



ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ

Тошкент архитектура-қурилиш
институти хузуридаги тармоқ
маркази

**ШАҲАРСОЗЛИКДА УЙ-ЖОЙ
ФОНДИ ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ
МАСАЛАЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2020

Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрьдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ, т.ф.н., доцент, Хотамов А.Т.

Тақризчи: ТАҚИ, т.ф.д., проф. С.А. Ходжаев
ТАҚИ, т.ф.н., доц. Х.И. Юсупов

Ўқув -услубий мажмуда ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрьдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	Ошибка! Закладка не определена.
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	43
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	79
VI. ГЛОССАРИЙ.....	84
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	93

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастурда: бино ва иншоотлар, хусусан, кўп квартирали тураржой бинолари эксплуатациясининг ўзига хос хусусиятлари. Республикаизда мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари. Эксплуатациянинг таркиби. Бинолардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

Фойдаланишга топширилаётган бино ва иншоотларни қабул қилиш талаблари. Бино ва иншоотларни санацияси ва таъмирлаш. Капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш, қайта қуриш масалалари ҳақида умумий маълумотлар.

Бино ва иншоотларни кучайтириш ва реконструкция қилиш масалалари. Модернизация ва реставрация ишлари.

Биноларнинг барвақт ишдан чиқиши сабаблари. Бино ва иншоотлар конструкцияларида дефект, шикастланиш ва авария ҳолатларининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олиш. Биноларга салбий таъсир кўрсатувчи ҳудудий омиллар. Табиий, техноген ва субъектив омиллар.

Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолашда замонавий усуллардан фойдаланиш:

Кузатув-текширув ишларининг ташкил этиш. Кузатув-текширув ишларига тайёргарлик босқичи. Бевосита текшириш. Кузатув-текширув ишларида бузувчи ва бузмайдиган усулларни қўллаш. Техник диагностика. Техник диагностикада фойдаланиладиган замонавий асбоб-ускунлар.

Конструкцияларни қайта ҳисоблаш ишларида замонавий дастурий тизимлардан фойдаланиш. Техник ҳисобот таҳлили.

Бино ва иншоотларнинг эскириши. Эскириши турлари. Жисмоний емирилиш. Унинг турлари. Баҳолаш усуллари. Маънавий эскириш. Унинг турлари. Баҳолаш усуллари.

Бино ва иншоотларни инвентаризация ва паспортлаштириш масалалари. Эксплуатацияни ташкил этишда сифат назорати масалалари қўзда тутилган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда

долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таниширишдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари модулининг мақсад ва вазифалари:

- бино ва иншоотлар эксплуатациясини тўғри ташкил этиш, бино ва иншоотлардан тўғри фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини – кўриклар тизими, таъмирлаш тизимларини тўғри, ўз вақтида амалга ошириш ва бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг илгор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишида ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- республикамида мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари, эксплуатациянинг таркиби, бинолардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

- фойдаланишга топширилаётган бино ва иншоотларни қабул қилиш талаблари;

- бино ва иншоотларни санацияси ва таъмирлаш, капитал ва жорий таъмирлаш, қайта қуриш масалалари ҳақида;

- бино ва иншоотларни қучайтириш ва реконструкция қилиш масалалари, модернизация ва реставрация ишлари;

- биноларнинг барвакт ишдан чиқиши сабаблари, бино ва иншоотлар конструкцияларида дефект, шикастланиш ва авария ҳолатларининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олиш;

-биноларга салбий таъсир кўрсатувчи ҳудудий омиллар, табиий, техноген ва субъектив омиллар ҳақида **билиши** керак.

Тингловчи:

- бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолашда замонавий усуллардан фойдаланиш;

- кузатув-текширув ишларининг ташкил этиш, тайёргарлик босқичи, бевосита текшириш;

- кузатув-текширув ишларида бузувчи ва бузмайдиган усулларни кўллаш. Техник диагностика. Техник диагностикада

фойдаланиладиган замонавий асбоб-ускуналар;

- конструкцияларни қайта ҳисоблаш ишларида замонавий дастурий тизимлардан фойдаланиш. Техник ҳисобот таҳлили;

- бино ва иншоотларнинг эскириши (емирилиши). Емирилиш турлари. Жисмоний емирилиш. Унинг турлари. Баҳолаш усуллари. Маънавий емирилиш. Унинг турлари. Баҳолаш усуллари;

- эксплуатацияни ташкил этишда сифат назоратни бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- бино ва иншоотларни техник ҳолатини техник баҳолаш, техник баҳолашда бино конструкцияларининг емирилиши ҳолатини, уларнинг шикастланганлик даражаларини тўғри аниқлай олиши, баҳолаш жараёнида қабул қилинган усул ва воситалардан фойдаланиш;

- бино ва иншоотлар эксплуатациясини ташкил қилиш, бинолардан тўғри фойдаланиш ва уларга тўғри ва ўз вақтида хизмат кўрсатиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ўз фанларини ўқитишида қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимида, бино ва иншоотлар эксплуатациясини тўғри ташкил этиш;

- бино ва иншоотлардан тўғри фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизими – кўриклар тизими, таъмирлаш тизимларини тўғри, ўз вақтида амалга ошириш ва бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари мазмунини ўрганишга йўналтириш соҳасидаги янгиликларни ўринли ишлата олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модулини ўқитиши жараёнида куйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиха ва Кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатации қилишнинг замонавий технологиялари”, “Бино ва иншоотларни лойиҳалашда компьютер дастурларини қўллаш”, ва “Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва ҳавфсизлиги бўйича инновациялар” ва бошқа блок фанлари билан ўзвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан
			Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Фойдаланишга топширилаётган уй-жойларни биноларни қабул қилиш тартиблари. Қабул қилишда сифат назорати.	2	2	2	
2.	Уй-жой фондининг эскириши назарияси	2	2	2	
3.	Уй-жой фондининг техник эксплуатацияси масалалари	4	4	4	
4.	Уй-жой фондининг барвакт эскириши, таъсир қилувчи омиллар, уларни олдини олиш чора-тадбирлари.	2	2		2
5.	Туар-жой биноларининг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатлари, капиталлик синфлари, қолдик хизмат муддатларини ҳисоблаш	2	2		2

6.	Техник диагностиканинг ўтказиш тартиблари. Инвентаризация ва техник паспортизация.	2	2		2
7.	Тураг-жой фондида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари	2	2		2
8.	Тураг-жой масканларининг реновацияси. Энергетик санация. Хорижий тажрибалар	2	2		2
9.	Тураг-жой фондининг эксплуатациясида хавфсизлик масалалари	2	2		2
Жами:		20	20	8	12

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Фойдаланишга топширилаётган биноларни қабул қилиш тартиблари.

Қабул қилишда сифат назоратини ташкил этиш. Дефект тушунчаси. Қурилишда рухсат этилган четлашишлар. Фойдаланишга топширилаётган биноларни қабул қилишда учрайдиган муаммолар.

2 - мавзу: Уй-жой фондининг эскириши назарияси.

Тураг-жой фондининг эскириши. Эксплуатациявий (жисмоний ва маънавий) эскириш. Худудий омиллар таъсири. Эскиришни хисоблаш усуллари.

3 - мавзу: Уй-жой фондининг техник эксплуатацияси масалалари.

Бино ва иншоотлар эксплуатациясининг ўзига хос хусусиятлари. Республикаизда мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари. Эксплуатациянинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар. Бинолардан фойдаланиш. Биноларга хизмат қўрсатиш, кўриклар тизими, мавсумий кўрикларнинг аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1-мавзу: Уй-жой фондининг барвақт эскириши, таъсир қилувчи омиллар, уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

Тураг-жойбиноларининг барвақт эскиришига таъсир қилувчи ҳудудий омиллар. Лойиха, қурилиш, эксплуатация сифатининг аҳамияти.

2-мавзу: Тураг-жой биноларининг норматив ва хақиқий хизмат муддатлари.

Туар-жой биноларининг капиталлик гурӯҳлари масаласи, қолдиқ хизмат муддатларини ҳисоблаш.

3-мавзу: Техник диагностиканинг ўтказиш тартиблари.

Инвентаризация ва техник паспортизация. Бино ва ишоотлар конструкцияларида дефект, шикастланиш ва авария ҳолатларининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олиш. Уй-жой фондини мониторинг қилиш тизими.

4-мавзу: Туар-жой фондида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари.

Техник эксплуатация. Туар-жой фондида кўриклар ва таъмирлар тизими. Уларнинг ўз вақтида ўтказилиши - уй-жой фондини умрбоқийлигини таъминлаш кафолатидир.

5-мавзу: Туар-жой масканларининг реновацияси.

Энергетик санация. Хорижий тажрабалар. Туар-жой фондида реконструкцияси, модернизацияси, қайта тиклаш, кучайтириш ишлари. Туар-жой фондида энергетик санация, энергетик сертификация тизими, хорижий тажрибалар.

6-мавзу: Туар-жой фондининг эксплуатациясида хавфсизлик масалалари.

Биноларнинг зилзилабардошлиги. Ёнгин хавфсизлиги, туташ ҳудудлар ободончилиги. Туар-жойларга қуйиладиган санитар-техник талаблар.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (бойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Фикр: “*Тошкент шаҳрида 1966 йилги “Тошкент зилзиласи” гача бўлган даврда барпо этилган бинолар жорий норматив талабларига жавоб бермайдилар, улар мажбурий текширувга муҳтожидирлар!*”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosа ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий

фирмалашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



Бугунги кунда бино ва иншоотларнинг эксплуатациясида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши масаласи бўйича олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Бино ва иншоотлар эксплуатациясининг мухим масалаларидан бири- муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши масаласи бўйича олиб бораётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучли томонлари	Бутун дунёда энергетика масаласидаги глобал муаммо, атмосфера заҳарланишини камайтириш, арzon ва зарарсиз манбаларни қидириш. Қуёш, шамол, сув каби табиий манбалардан фойдаланиш. Шаҳарларда марказлаштирилган иссиқлик таъминотларидан бутунлай воз кечиши масалалари ва ҳ.к.
W	Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши масаласи бўйича олиб борилаётган амалий тадқиқотлар тизимининг кучсиз томонлари	Табиий манбалардан фойдаланишда ўзига хос бўлган регионал хусусиятлар, норматив ҳужжатларнинг этишмаслиги ва. ҳ.к.
O	Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши масаласи бўйича олиб борилаётган амалий тадқиқотлар тизимидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	Мавжуд табиий шарт-шароитлар, инновацион гоялар, ишланмалар, турли танловларнинг ўтказилиши ва ҳ.к.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиши масаласи бўйича олиб борилаётган амалий тадқиқотлар тизимидан амалий тадқиқотлар тизимининг камчиликлари

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод Тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод Тингловчилар учун хотира

машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда Тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Тошкент шаҳрида 1966 йилги “Тошкент зилзиласи”гача бўлган даврда барпо этилган бино ва инишоотларнинг аксарияти амалдаги нормалар талабига жавоб бермайди. Утган асрнинг 70-80 йилларидағи қурилиши индустрияси ривожланган кейинги авлод биноларичи, мустақиллик даврида барпо этилган биноларчи, уларнинг эксплуатациясидага ўзаро фарқ...”

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзуу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзуу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англашиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини

текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Авария ҳолати	Объект конструкцияларини бузилиш даражаси, уларнинг юк кўтара олмаслиги мумкинлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳолати	
Бино (иншоот)ларнинг ишончлилиги	Объект ўзининг асосий характеристикаларини белгиланган чегарада ва маълум бир шартшароитда берилган функцияларни бажариш қобилиятининг мажмуий таркиби	
Бино (иншоот)ларнинг умрбоқийлиги	Объектларнинг маълум эксплуатация жараёнида, белгиланган муддатга мос равишда хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўтказишида ишга яроқли ҳолатини сақлаб туриши	
Бинонинг хизмат муддати	Унинг яроқлик ҳолда ишлаш давомийлиги тушунилади	
Бино паспорти	Бино (иншоот)нинг бутун хизмат даврида техник ва техник- иқтисодий маълумотларини, уни техник ҳолатини бутун хизмат даври давомида сақлаш ва таъмирлаш ишларини олиб боришни хисобга олиб борадиган ҳужжат	
Биноларнинг энергетик паспорти	Махсус энергетик кузатув-текширув ишлари (энергоаудит) натижасида тузилган бинонинг энергия сарфи кўрасткичини белигловчи ҳужжати	
Бино (иншоот)ни инвентарлаштириш	Объектларни даврий равишда техник ҳолатини амалда текшириш ва конструкциянинг мустаҳкамлигини аниқлаб, ҳисобга олиш	
Бино (иншоот)нинг деформацияси	Бино ёки иншоотнинг юклар ва таъсирлар натижасида шакл ва ўлчамларининг ўзгариши ҳамда устиворлигининг йўқотиши (чўкиш, силжиш, оғиш ва ҳ.к.)	
Дефект	Конструкцияни тайёрлаш, транспортировка қилиш ва монтаж босқичида ҳамда эксплуатация жараёнида маълум бир параметрларга, мөъёрий ёки лойиҳа талабларига мос келмайдиган нуқсон	
Норматив техник ҳолат	Техник ҳолат категорияси бўлиб, бино ва иншоотлар конструкцияларининг, замин грунтлари техник ҳолатининг барча критериялари бўйича сонли ва сифат параметрлари уларнинг ўзгаришлари чегараси доирасида лойиҳа ҳужжатлари қийматларига мос келадиган ҳолати	
Ишга яроқли ҳолат	Техник ҳолат категорияси бўлиб, назорат қилинаётган баъзи параметрлар лойиҳа ёки норма талабларига мос келмайди, бироқ мавжуд хатолик эксплуатация шароитида ишдан чиқишига олиб келмайди, бу билан конструкцияларнинг, замин грунтларининг юк кўтариш қобилияти мавжуд дефект ва	

	шикастланишлар натижасида таъминланган ҳолатда бўлади.	
Чекланган ишга яроқли ҳолат	Конструкцияларнинг, бутунлай бино ёки ишоотнинг, уларнинг замин грунти ҳолатини ҳисобга олган ҳолдаги техник ҳолат категорияси бўлиб, бунда бинонинг оғиши, юк кўтариш қобилиятини пасайтирувчи, лекин фавқулотда бузилиш ҳолати, устиворликни йуқотиш, итқитувчи кучлар пайдо бўлмайдиган дефектлар ва шикастланиш ҳолатлари бўлиб, бунда конструкциянинг ишлаши ва бино ки иншоотнинг нормал эксплуатацияси техник ҳолатни назорат (мониторинг) да, ёки конструкцияни, заминни қайта тиклаш ва кучайтириш бўйича маҳсус табдирлардан сўнг техник ҳолатни (зарур бўлса) кейинчалик мониторинг қилиш билан рухсат этилади.	
Авария ҳолати	Конструкцияларнинг, бутунлай бино ёки ишоотнинг, уларнинг замин грунти ҳолатини ҳисобга олган ҳолдаги техник ҳолат категорияси бўлиб, бунда бинонинг устиворлигини йуқотишига олиб келувчи оғишларнинг, юк кутариш қобилиятининг тугаши ва бузилиш хавфидан дарак берувчи дефект ва шикастланганлик ҳолати	
Эксплуатацион-техник ҳужжатлар (ЭТХ)	Бино ва иншоотлар эксплуатацияси бўйича назорат хизмати фойдаланадиган (айrim ҳолларда ишлаб чиқадиган) бошқарув ва ишчи ҳужжатлар мажмуаси	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу:

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАЁТГАН БИНОЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ.

Режа:

- 1.1 Қабул қилишда сифат назоратини ташкил этиш.
- 1.2 Дефект тушунчаси. Қурилишда рухсат этилган четлашишлар.
- 1.3. Фойдаланишга топширилаётган биноларни қабул қилишда учрайдиган муаммолар.

Таянч иборалар: турар-жой бинолари, эксплуатацияга қабул қилиши, дефектлар, қурилишида рухсат этилган четлашишлар, сифат назорати.

Ушбу модулнинг мақсади – янги уй-жой фондини эксплуатацияга топшириш масалалари, жараён, муаммолар, бино ва иншоотлар эксплуатациясига тегишли республикамизда мавжуд бўлган хизмат муддатлари турлича бўлган қурилиш даври турли авлодга тегишли бўлган бино ва иншоотлардан мақсадли фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича бугунги кундаги долзарб масалаларни қамраб, тингловчиларнинг бу борадаги олиб бораётган амалий тадқиқотлари учун зарур бўлган дунёқарашини кенгайтириш (12 пара). Баҳонинг 50% и таълим олувчининг фикрлай олиши, уни ўқиб баён этиб бера олиш қобилияти учун берилса, 50% баҳо курс охирида тақдим этилган мустақил иш учун берилади.

1.1 Қабул қилишда сифат назоратини ташкил этиш.

Ҳозирги вақтда биноларни эксплуатация (фойдаланиш)га қабул қилишда дефектларни аниқлаш учун инструментал усуллардан фойдаланган ҳолда қабул қилиш назоратини ўрнатиш талаб этилади. Биноларни қабул қилишдан олдин, уларни кўрикдан ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланилади:

- бино ва ундаги конструктив элементлар ҳамда инженерлик системаларининг сифати ҳақидаги хулоса. Қурувчиларнинг ишини баҳолаш, шунингдек, қурилиш ташкилоти томонидан бартараф этишга лойиқ деб топилган ва тақдим этилган дефектлар рўйхати бунга асос бўлиб хизмат қиласи;
- тўлиқ йиғма ҳолатда қуриладиган биноларда бажариладиган монтаж ишларининг сифатини объектив баҳолаш, тайёрловчи заводлар томонидан тайёрланган конструкцияларнинг монтаж қилишга мослиги ва улардаги дефектлар ҳақида ўз вақтида тайёрловчини хабардор қилиш имконини беради;
- биноларни фойдаланиш (эксплуатация)га топширишдан олдин ўтказиладиган инструментал кўрик уларнинг кейинчалик тўғри эксплуатация

қилиниши учун бошланғич объектив маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Объектни кўриқдан ўтказишни бошлашдан олдин, унинг лойиҳаси билан танишилади. Бунда бинонинг конструктив схемасига, юк кўтарувчи конструкцияларнинг оралиқ “қадами”га, қўлланадиган конструкцияларнинг типларига, панеллар, устунлар, ёпма плиталари, том ёпмасининг қандай бажарилганлигига, бинонинг ер ости қисмининг гидроизоляциясига эътибор қаратилади. Бажарилган (ёпиқ) ишлар учун тузилган далолатномалар билан танишилади.

Кейин бино (иншоот)нинг бажарадиган вазифасига (нимага мўлжалланганлигига) ва унинг асосий характеристикаларига боғлик равища назорат қилиш мақсадида ўтказиладиган синовларнинг ҳажми аниқланади. Масалан, тўлиқ йиғма туарар-жой бинолари учун хонадонлар сони аниқланади ва улар ичидан инструментал қабул қилиш назорати учун хонадонлар танланади ва назорат қилинадиган хонадонларнинг жойлашиш ўрни аниқланади. Назорат қилинадиган хонадонлар сони бинодаги хонадонларнинг умумий сонига боғлик равища аниқланади, жойлашиш ўрни эса уларнинг қайси секция(бинонинг оралиқ ёки четки қатори)да ва неchanчи (биринчи, ўрта ва охириги) қаватда жойлашганлигига қараб белгиланади.

1.2 Дефект тушунчаси. Қурилишда рухсат этилган четлашишлар.

Эксплуатациядаги бино конструкциялари ташқи муҳит билан ўзаро мураккаб таъсирда бўлади. *Авария ҳодисаси* деб иншоот элементларида бутунлай ёки қисман бузилиш ҳолатлари мавжуд, юк кўтарувчи конструкцияларнинг бузилиш босқичидаги ҳолатига айтилади; *авария ҳолати* эса айрим элементлар чегаравий ҳолатда бўлиб, кучланганлик даражаси материалнинг мустаҳкамлик чегарасидан ошмаган ёки баъзи конструктив элементларнинг айрим деталлари ишдан чиқсан, бироқ бузилиш руй бермаган ҳолатни назарда тутади.

Дефект – бу конструкциянинг маълум бир параметрларга, меъёрий ёки лойиҳа талабларига мос келмаслигидир. Масалан, ёпма тўсинида арматуранинг лойиҳада белгилангандан паст синфининг қўлланилиши дефект бўлиб, бунинг натижасида тўсиннинг эгилиб, унда дарзлар ҳосил бўлиши ҳодисаси – шикастланишdir. Демак, одатда конструкциянинг дефектли ҳолати уни шикастланишга олиб келади ва бу ҳолат охир-оқибат конструкциянинг бузилиши ёки авария ҳолатига олиб келиши мумкин.

Лойиҳа-қидирав ишларидаги дефектларга қурилиш майдончасининг нотўғри танланиши, грунтнинг юк кўтариш ҳолатини нотўғри баҳолаш, материални, конструкцияни ва кесим юзаларни нотўғри танлаш, ташқи юкларни аниқлашдаги хатоликлар ва х.к. киради. Баъзи дефектлар тўғридан-тўғри қурилиш жараёнида лойиҳа чизмаларида ноаниқликлар мавжудлиги ёки чизманинг тўлиқ эмаслиги, баъзи ишлар бўйича лойиҳада зарурӣ

кўрсатмаларнинг йўклиги сабабли қурувчи томонидан ечим қабул қилиниб, вазиятдан чиқилади.

Аҳамияти (хавфлилиги) бўйича дефектлар уч турга бўлинади:

•аварияга олиб келувчи дефектлар. Бундай дефектлар аниқланганда уларни дарҳол бартараф этиш зарур;

•бузилиш хавфини туғдирмайдиган, бироқ конструкцияни кучизланишига олиб келадиган ёки бинонинг эксплуатацион сифатига таъсир кўрсатадиган дефектлар, шунинг учун улар ҳам бартараф қилиниши зарур;

•бузилишга олиб келмайдиган, бироқ бинонинг эксплуатацион сифатига таъсир кўрсатадиган ва эксплуатация жараёнида қўшимча ҳаражатлар талаб қиласиган дефектлар.

Дефектларнинг тавсифи бўйича текширув натижасида бевосита кўзга кўринмайдиган ва кўринадиган турларга бўлинади (3.2-расм).

Бинодаги дефектларнинг ўрганиш ва классификациялаш улар туғдирадиган хавфни олдиндан башорат қилиш ва зарурий чора тадбирлар кўллаш имкониятини беради ҳамда лойиҳа ва қурилиш жараёнида бундай нуқсонларга йўл қўйилишини камайтиради.

Ғиштили деворларда учрайдиган кўзга ташланувчи дефектларга қўйидагиларни келтириш мумкин: горизонтал текисликдан оғувчи ва қалин бўлган чоклар, чокларни боғлаш, устунлар ва оралиқ деворларни арматуралаш ҳамда деворларнинг вертикалдан оғиш ҳолатлари. Бундай дефектлар ишнинг олиб борилиши жараёни етарлича назорат қилинмаганлигидан келиб чиқади. Бевосита кўзга ташланмайдиган дефектларга лойиҳадагидан паст маркали ғишт ёки қоришманинг қўлланилишини мисол қилиш мумкин.

Дарзлар – конструкциянинг юкланиши ва деформация таъсирининг ташқи белгисидир. Конструкцияда дарзлар турли сабабларга кўра пайдо бўлиб, турлича даражадаги асоратлар қолдиради. Шунинг учун улар аҳамиятига кўра хавфли ва хавфсиз турларга бўлинади. Конструкцияда дарзлар аниқланганда, уларнинг келиб чиқиши сабаби ва тавсифи, ривожланиши ёки турғунлиги ҳақида маълумотга эга бўлиши зарур.

Қурилишда рухсат этилган четлашишлар.

Қурилишда қурилиш-монтаж ишлари, деталларни, конструкцияларни завод шароитида тайёрлаш жараёнида йўл қуйиладиган хатоликларни маълум бир қийматгача нормадан оғишларига рухсат этилади – буни қурилишда рухсат этилган четлашишилар (строительные допуски) дейилади. Буларга бўлувчи уқларнинг лойиҳадан оғиши, конструкциялар, элементларнинг горизонталлиги, верикаллиги, геометрик параметрлардан четлашиши, бино қисмларини завод шароитида тайёрлашда геметрик ўлчамлардан оғиш кабилар киради. Қуйидаги жадвалларда темирбетон конструкциялар учун рухсат этилган оғишлар чегараси келтирилган.

№	Оғишлар	Үлчами, мм
1	Конструкция сиртининг бутун баландлиги бўйича вертикалдан оғиши: <ul style="list-style-type: none"> • пойдеворлар учун • қўзгалмас қолипларда тикланган деворлар хамда яхлит оралиқ ёпмага маҳкамланган устунлар учун • кран ости ва бириктирувчи тўсинлар билан боғланган каркас устунлари учун • тўсинлар учун • қўзгалувчи қолипларда тикланган силос ва миноралар учун 	20 15 10 5 40
2	Горизонтал текисликларнинг горизонталдан оғиши: <ul style="list-style-type: none"> • 1 метр учун бутун текислик учун	5 10
3	Конструкцияни 2 м ли рейка билан текширганда бетон сиртининг маҳаллий нотекислиги, тиргак сиртлардан ташқари	8
4	Элементнинг узунлиги ёки оралиги бўйича	20
5	Элементларнинг кўндаланг кесими юзасининг ўзгарувчанлиги	+8 -5

Йигма темирбетон конструкциялар учун рухсат этилган оғишлар

№	Оғишлар	Үлчами, мм
1	Бўлувчи ўқларга нисбатан устун пойдеворлари ўқларининг силжиши	5
2	Пойдеворнинг устки сатҳининг баландлик бўйича лойиҳавий белгидан фарқи	3
3	Бўлувчи ўқларга нисбатан устун ўқларининг силжиши (пастки кесимларда)	5
4	Бўлувчи ўқларга нисбатан устун ўқларининг вертикалдан силжиши (тепа кесимларда), устуннинг баландлиги: <ul style="list-style-type: none"> • 5 м гача • 5 м дан ортиқ 	5 8
5	Қаралаётган участка (блок) чегарасида устунларнинг тепа қисми сатҳларидаги фарқ, устунлар баландлиги: <ul style="list-style-type: none"> • 5 м гача • 5 м дан ортиқ 	5 8
6	Бўлувчи ўқларга нисбатан девор ва оралиқ девор панеллари ўқларининг силжиши (пастки кесимларда)	3
7	Девор ва оралиқ девор панеллари текислигининг вертикалдан оғиши (тепа кесимларда), баландлик: <ul style="list-style-type: none"> • 5 м гача • 5 м дан ортиқ 	3 5
8	Қаралаётган участка (блок)даги чегарасида девор ва оралиқ девор панеллари таянч сиртларининг фарқи, баландлик: <ul style="list-style-type: none"> • 5 м гача • 5 м дан ортиқ 	5 8
9	Қаралаётган участка (блок) чегарасида оралиқ ёпмалар (ригеллар, панеллар ва х.к.) нинг тепа қисми сатҳларидаги фарқ	5
10	Бўлувчи ўқларга нисбатан ригель ва тўсинларнинг силжиши	5
11	Иккита ёнма-ён ёпилма панеллар ости сирти сатҳининг фарқи (чок оралиқ девор устидан ўтмаган бўлса)	2
12	Краности тўсинлари ўқларининг силжиши ва баландлик сатҳларининг фарқи	5

Изоҳ: баландлиги 50 м гача бўлган бино ва ишиоотларнинг каркас устунлари ва кўттарувчи деворларининг вертикалдан оғишининг умумий горизонтал силжисиши қўйидаги миқдордан ошмаслиги керак $0,001875 l/n$, бу ерда l - элементнинг ўртача узунлиги, мм; n - баландлик бўйича элементлар сони.

1.3. Фойдаланишга топширилаётган биноларни қабул қилишда учрайдиган муаммолар.

Ушбу мавзуда қурилиш объектларини топширишда сифат назоратини ташкил этишнинг мазмуни, моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари, қурилиш соҳасидаги меъёрлари ва қоидалари, бино ва иншоотларни эксплуатацияга топшириш билан боғлик бўлган ишлар кетма-кетлиги, қабул қилиш тартиби, қурилиш-монтаж ишлари боришини назорат қилиш, муаллифлик назорати, муаллифлик назоратининг мақсад ва вазифалари, қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш тартиби, алоҳидаги конструктив элементларни бузувчи ва бузилмас усулларда текшириш, қурилиш обьектини лойиҳага, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мослигини текшириш, лойиҳадан оғиш ҳолатлари, лойиҳадаги камчиликлар, уларни бартараф этиш, бунда лойиҳа ташкилотининг, қурилиш-монтаж ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби малакавий талаблар, қурилиш обьектларининг турлари бўйича уларга қўйилган қурилиш муддатлари, лаборатория синовлари ва ускуналарнинг умумий текширув натижаларини, обьектни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича меҳнат шарт-шароитлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига мослиги, қулланилган қурилиш материалларида радиоактивлик сифатини текшириш, қабул қилиш далолатномаларини тузиш, бундан ташқари алоҳида ишлаб чиқариш обьектларини, турар-жой биноларини, жумладан кўп кватирави туар-жой биноларини ва жамоат биноларини, узоқ давр мобайнида қурилиши тутгалланмаган обьектларда қурилишини ташкил этиш ишлари, қурилиш обьектларининг кафолат муддатлари масалалари.

Қурилиш обьектларини фойдаланишга топширишнинг меъёрий-хуқуқий базаси

Қурилиш обьектларини қабул қилиш қоидалари, бунда амалдаги тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан фойдаланиш. Тегишли давлат стандартлари ҳақида. Қурилиш обьектларининг эксплуатацион ишонччилигини, умроқийлигини таъминлаш ҳақида; бино ва иншоотлarda пайдо бўлувчи дефект, шикастланиш ва бузилиш ҳолатлари ҳақида; қурилиш обьектларининг вақт омилига боғлик равишда эскириши назариялари ҳақида. Қурилиш обьектларининг кафолат муддатлари ҳақида.

Қурилиш обьектларида қурилиш-монтаж ишларининг боришини назорат қилиш

Лойиҳа ташкилотининг лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида йўл қуядиган ҳатолари; конструкцияларни тайёрлаш босқичида йўл қуйиладиган ҳатоликлар; конструкцияларни транспортировка қилиш, сақлаш босқичида йўл қуйиладиган ҳатоликлар; қурилиш монтаж ишлари жараёнида йўл қуйиладиган ҳатоликлар; қурилиш монтаж ишлари даврининг қурилиш сифатига таъсири; қурилиш обьектида сифат назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари; қурилиш обьектида муаллифлик назоратининг аҳамияти.

Курилиш объектларида қурилиш материалари ва монтаж ишлари сифатини баҳолаш

Курилиш обьектида қурилиш жараёни сифатини текшириш ишларини ташкил этиш; қурилиш материаллари сифатини лаборатория шароитида текшириш тартиби; деформацияларни, дарзларни, кўринадиган ва кўринмас дефектларни аниқлаш; қурилиш материаллари сифатини бузувчи ва бузмайдиган усулларда текшириш тартиби; ғишт-тош, металл, ёғоч, бетон, темирбетон ва бошқа турдаги конструкцияларни текширишнинг ўзига хос жиҳатлари; қурилиш обьектини лойиҳага мослигини текшириш; ҳисоблаш схемасининг реал схемага мослигини аниқлаш, қурилиш обьектини бошқа сифат кўрсаткичларини қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мослигини текшириш; зилзилабардошлиқ ва оловбардошлиқ бўйича баҳолаш; қурилиш материалларининг вариация коэффициентларини аниқлаш; узоқ давр мобайнида қурилиши тугалланмаган обьектларда қрилиш-монтаж ишларини давом эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Курилиш обьектларини фойдаланишга топшириш

Курилиш обьектларнинг турларига қараб уларга қўйиладиган эксплуатация талаблари; қурилиш материалларининг экологик соғлиги; ишлаб чиқариш обьектларини фойдаланишга топшириш қоидалари; обьектни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича меҳнат шарт-шароитлари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига мослиги; тураг-жой ва жамоат биноларини фойдаланишга топшириш қоидалари; узоқ давр мобайнида қурилиши тугалланмаган обьектларда қурилишини ташкил этиш ишлари, уларни фойдаланишга қабул қилиш тартиблари. Қабул қилиш далолатномаларини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Назорат саволлари:

1. Биноларни эксплуатацияга топшириш ишлари қандай амалга оширилади ?
2. Биноларни эксплуатацияга топширишда сифат назорати қандай амалга оширилади ?
3. Топшириш акти нима, у кимлар томонидан тузилади ?
4. Эксплуатацияга топширишда текширув ишлари қандай амалга оширилади ?
5. Дефект нима ?
6. Қурилишда рухсат этилган четлашишлар нима ?

Адабиётлар:

- Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.
- ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.

- ГОСТ 21780-2006. Система обеспечения точности геометрических параметров в строительстве. Расчет точности. Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству. Ташкент-2006.
- ҚМҚ 2.01.16-97 «Туар-жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш коидалари». УзР Давархитекткурилишкум – Тошкент 1997 й.
- ҚМҚ 2.01.15-97 «Туар-жой биноларини техникавий текшириш буйича холатлар» УзР Давархитекткурилишкум. – Тошкент 1997 й.
- ҚМҚ 1.04.03-98 «Туар-жой уйларини, коммунал, ижтимоий ва маданий вазифадаги уйларга техник хизмат кўрсатиш ва реконструкция килишни ташкиллаштириш ва ўтказиш хакида холатлар» УзР Давархитекткурилишкум. – Тошкент 1998 й.
- ҚМҚ 3.01.04-04 "Қурилиши тугалланган объектларни эксплуатацияга қабул қилиш. Асосий ҳолатлар". ЎзР давархитекқурилиш Қумитаси, Тошкент, 1999.
- Рекомендации по конструктивному обследованию и прогнозу технического состояния существующих зданий и сооружений. ГК РУз по Архитектуре и строительству, Ташкент, 2000 г.
- Руководство по обследованию и оценке технического состояния железобетонных конструкций зданий и сооружений. ТАСИ, ИМиСС им. М.Т. Уразбаева АН РУз, Ташкент, 2004 г.
- Методика определения физического и функционального износа зданий (сооружений). ГККИНП-18-037-00. Главное управление геодезии, картографии государственного кадастра при кабинете министров Республики Узбекистан.: Ташкент, 2000г.
- Хотамов А.Т. Қурилиши объектларини топширишда сифат назоратини ташкил этиш. Маърузалар матни, Тошкент 2017.

2 - мавзу:

УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ ЭСКИРИШИ НАЗАРИЯСИ.

Режа:

- 2.1 Туар-жой фондининг эскириши.
- 2.2 Эксплуатациявий (жисмоний ва маънавий) эскириш. Ҳудудий омиллар таъсири.
- 2.3 Эскиришни ҳисоблаш усуллари.

Таянч иборалар: *Туар-жой фонди, эксплуатация, эскириши, жисмоний ва маънавий эскириши, эскиришига таъсир кўрсатувчи ҳудудий омиллар, эскиришини ҳисоблаш усуллари*

2.1 Туар-жой фондининг эскириши.

Бугунги глобаллашув даврида дунё мамлакатларида рўй берадиган нафакат иқтисодий ёки сиёсий масалаларнинг кескинлашуви, балки, иқлим ўзгаришининг кескинлашуви кузатилмоқда. Иқлимининг бундай ўзгарувчанлиги Ўрта Осиё минтақасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу эса бино ва иншоотларнинг барвақт емирилишига сабаб бўлувчи омиллардан биридир.

Бино ва иншоотлар эксплуатациясини тўғри ташкил этиш, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самараси, эксплуатация мобайнида турли даражадаги таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш, модернизация қилишда уларнинг эскириш даражасини тўғри аниқлаш, бугунги кунда иқтисодий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим масаладир.

Республикамиз худудида мавжуд бўлган бир неча “авлод”га тегишли бино ва иншоотларнинг аксарияти қисми бугунги кунда турли даражадаги техник ҳолатга эга бўлиб, уларда конструктив элементларнинг емирилиш жадаллиги турлича кечади. Бунга, бинода конструктив элементларнинг тури, материали, тайёрлаш ва монтаж жараёни, қолаверса, республикамизнинг ўзига хос специфик шарт-шароитлари, хусусан, катта амплитудада ҳароратнинг кунлик, мавсумий, йиллик тебранишлари, сизот сувларининг таъсиrlари ва бошқа табиий ва техноген омилларнинг таъсири остида эксплуатациянинг нотўғри ташкил этилганлиги сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳри худудининг зилзилавий кўрсаткичи сўнгги 70 йил ичida 7 баллик зонадан 9 баллик зонага ўзгарди. Юқорида таъкидланган бир неча авлодага тегишли бино ва иншоотларнинг типик вакилларининг барчаси Тошкент шаҳрида мавжуд. Буларга 1930-40 йилларда қурилган барча коммунал қулийликларга эга бўлган дастлабки 2-3 қаватли турар-жой биноларидан тортиб, турли вазифадаги саноат бинолари ва иншоотлари (уларнинг аксарияти 2-жаҳон уруши йилларида қурилган ишлаб чиқариш обьектлари) ни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Буларни индустрисал қурилишдаги “биринчи авлод вакиллари” сирасига киритиш мумкин.

“Иккинчи авлод вакиллари” сифатида урушдан кейинги йилларда қурилган бинолар бўлиб, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласигача бўлган даврни қамрайди.

Мазкур даврларда барпо этилган турар-жой биноларининг кўпчилиги бугунги кунда техник категориялар шкаласи бўйича “қониқарсиз” ҳолатдадир [3].

Бунга бир неча йиллар давомида юзлаб обьектларда олиб борилган текширув натижаларидан олинган реал фактларимиз асос бўлади.

Мазкур биноларнинг аксарияти ғиштли конструкциялар бўлиб, улар антисейсмик чора-тадбирларсиз лойиҳаланган ва амалдаги нормаларга жавоб бермайди. Уларни бугунги кунгача бўлган фаолиятини фақатгина қурилиш-монтаж ишларининг сифатлши бажарилганлиги билан, қурилиш материаллари, хусусан уларда ғишт маркасининг камида 150 эканлиги, қоришка маркасининг камида 100, мос равища, терма категориясининг юқорилиги билан тушунтириш мумкин.

1 ва 2 авлодга мансуб биноларда жисмоний емирилиш билан бир қаторда маънавий емирилиш кўрсаткичининг юқорилиги характерлидир.

3 авлодга эса Тошкент зилзиласидан кейинги янги нормалар асосида қурилган обьектларни киритдик. Бу даврда қурилиш индустрисида анча ўзгаришлар бўлган, янги нормалар жорий қилиниб, оммавий равища типик лойиҳаларга асосланган бинолар қад кўтарди.

З авлодга тегишли дастлабки қурилган биноларнинг ёши ҳам деярли ярим асрни “қоралади”.

Кузатишлар шундан далолат берадики, конструкцияларнинг турли табиий ва техноген таъсирлар ўсиши натижасида жисмоний емирилиш жадаллиги ортмокда. Бу омил уларнинг ҳақиқий эксплуатация муддатининг - меъёрий хизмат муддатидан анча барвақт тугашига олиб келишини таъминлайди (бугунги кунда лойиҳачи томонидан меъёрий хизмат муддати кўрсатиб берилаётгани ҳам йўқ).

Бино ва иншоотларда уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўтказилади. Таъмирлаш орқали ёрдамчи конструкциялар қайта тикланиши, асосий юк кўтарувчи конструкцияларнинг пардози янгиланиши мумкин. Бироқ, таъмирлаш билан биз юк кўтарувчи конструкцияда дастлабки даврларданоқ йиғилиб келаётган емирилиш-эскириш ёки бошқача қилиб айтганда юк кўтарувчи конструкциялар материалларида вақт омилига боғлиқ бўлган эскириш – “Базавий емирилиш” - хусусан, бетонда эластик модулининг, арматурада эса занглаш эвазига бетон билан тишлашиш коэффициентининг камайиб бориш ҳолатларини биз қайта тиклай олмаймиз !

2.2 Эксплуатациявий (жисмоний ва маънавий) эскириш. Ҳудудий омиллар таъсири.


Республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган бир неча “авлод”га тегишли бино ва иншоотларнинг аксарияти қисми буғунги кунда турли даражадаги техник ҳолатга эга бўлиб, уларда конструктив элементларнинг емирилиш жадаллиги турлика кечади. Бунга, бинода конструктив элементларнинг тури, материали, тайёрлаш ва монтаж жараёни, қолаверса, республикамизнинг ўзига хос специфик шарт-шароитлари, хусусан, катта амплитудада ҳароратнинг кунлик, мавсумий, йиллик тебранишлари, сизот сувларининг таъсирлари ва бошқа табиий ва техноген омилларнинг таъсири остида эксплуатациянинг нотўғри ташкил этилганлиги сабаб бўлмоқда.

Бино ва иншоотларнинг эскириши, жисмоний емирилганлик даражаси унинг фаолияти учун қанчалик муҳим масала ?

Бу масалаларда дунёнинг турли давлатларида иқлимий регионлардан келиб чиқкан ҳолда ахвол қандай ?

Биноларнинг меъёрий хизмат даврларининг ҳақиқий хизмат даврларига мос келмаслиги уларнинг эксплуатацион ишончлилиги масалаларини чуқурроқ ўрганишни талаб қиласди. Бунинг учун бино конструкциясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш зарурдир.

Бу соҳада ўрганилган ишларнинг таҳлили, қурилиш конструкцияларида дефектлар, шикастланиш ва деформация ҳолатларининг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи лойиҳалаш, қурилиш ва эксплуатация жараёнида йўл қўйиладиган хатоликлар, бундан ташқари табиий ва техноген омилларнинг таъсирлари натижаси эканлигини кўрсатади ва уларни шартли равишда А ва Б гуруҳ омилларга ажратиш мумкин.




Расм. Бинода жисмоний емирилишнинг ўзгариши графиги.

1- Бино нормал шароитда (барча турдаги таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилган ҳолатда) эксплуатация қилинган.

2- таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилган ва бажарилмаган ҳолатдаги Бино нормал шароитда, бироқ ҳеч қандай режавий-профилактик ёки бошқа турдаги таъмирларсиз эксплуатация қилинган.

A ва *B* – мос равишда, меъёрий усул бўйича барча турдаги емирилиши.



2.1-расм. Эксплуатациядаги кўп квартирали бинолар ва уларнинг гурухларининг ишончли эксплуатациясига салбий кўрсатувчи омиллар схемаси.

А- табиий ва техноген омиллар.

Мос равища “А” омиллар *ташқи* ва *ички* турларга бўлинади.

Ташқи омилларга: А₁- иқлим таъсири; А₂- динамик таъсирлар; А₃- гидрогеологик жараёнлар; А₄- таъсир қилувчи муҳит; А₅- бошқа турдаги табиий ва техноген оғатлар киради;

Ички омилларга: А₆- технологик (функционал) омиллар киради.

Б-антропоген омиллар, мос равища: Б₁- ҳарбий ҳаракатлар таъсирида вайрон бўлиш; Б₂- террактлар натижасида вайрон бўлиш; Б₃- субъектив омиллар. Ўз навбатида **Б₃- субъектив омиллар**, мос равища: Б₃₁- лойиха олди босқичи; Б₃₂- лойиха босқичи; Б₃₃- конструкцияларни завод шароитида тайёрлаш, ташиш, сақлаш босқичи; Б₃₄- курилиш-монтаж боқичи; Б₃₅- эксплуатация боқичи; Б₃₆- норматив базадаги камчиликлар.

Мазкур муаммо бўйича адабиётлар таҳлили ва биз томондан текширилган бинолар бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, биноларнинг эксплуатацион ишончлилигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар турли-туман бўлиб, уларни эксплуатация босқичида ҳисобга олиш жуда қийин бўлган амалий масаладир.

Эксплуатация мобайнида муҳим бўлган бундай кўп сондаги омилларни ўрганиш ва биноларнинг эксплуатация сифатини баҳолаш мақсадида масаланинг ечимиға тизимли ёндошув орқали эришиш мумкинлиги таклиф қилинади.

2.3 Эскиришни ҳисоблаш усуллари.

Техник холатнинг 5 та кўрсаткичи ўрнатилган:

- 1) яхши – эскириш 0-20% (соз ҳолат);
- 2) қониқарли – 21-40% (ишчи ҳолат);
- 3) қониқарсиз – 41-60% (чекланган ишчи ҳолат);
- 4) ночор ҳолат – 61-80% (ишдан чиқсан ҳолат);
- 5) яроқсиз – 80% дан ошиқ (авария ҳолатида).

* Қавс ичидаги конструкция техник ҳолатининг категорияси келтирилган.

ҚМК 2.01.16-97 “Туар-жой биноларини жисмоний эскиришини аниқлаш қоидалари”.

ГОСТ 31937-2011 бўйича техник ҳолатнинг 4 та кўрсаткичи ўрнатилган:

1. Норматив техник ҳолат
2. Ишчи ҳолат
3. Чекланган ишчи ҳолат
4. Авария ҳолати.

Бироқ ГОСТ бўйича ушбу 4 та ҳолат жисмоний эскириш кўрсаткичлари билан берилмаган. Бино ва иншоотларнинг жисмоний емирилишини аниқлаш бўйича турли усуллар мавжуд. Уларни шартли равища

куйидаги гурухларга бўлиш мумкин. Норматив усулларга асосланган ёндошув (хизмат муддати усули) ва эксперт усулларга асосланган ёндошув.

Бинонинг техник ҳолати бўйича категориялари

Жисмоний емирилиши, %	Техник ҳолати	Бинонинг техник ҳолатининг умумий тафсилоти
0...20	Яхши	Зўриқишиш ва бузилишлар йўқ. Элементнинг техник эксплуатациясига таъсир килмайдиган, таъмирлаш вақтида тузатса бўладиган кичик дефектлар бор. Капитал таъмирлаш, нисбатан кўпроқ емирилган жойларда ўтказиш тавсия этилади.
21...40	Қониқарли	Умумий ҳолда, конструктив элементлар эксплуатацияга яроқли, лекин айнан шу босқичда капитал таъмирлашни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.
41...60	Қониқарсиз	Конструктив элементларни факат капитал таъмирлаш ишларидан сўнгтина эксплуатация қилиш мумкин.
61...80	Эскирган (ночор ҳолат)	Юк кўтарувчи конструкциялар авария ҳолатида, 2-чи даражали конструкциялар жуда емирилган ҳолатда. Конструкциянинг бутунлай алмаштирилиши ва химоя тадбирлари ўтказилгандан сўнгтина конструктив элементлар ўзларининг функцияларини чекланган тарзда бажариши мумкин.
81...100	Яроқсиз	Конструктив элементлар бузилган ҳолатда бўлади.

Қўйида биз бино ва иншоотларнинг жисмоний емирилишини аниқлаш бўйича норматив ва эксперт усулларига асосланган ёндошувларни кўриб чиқамиз.

Бинонинг жисмоний емирилишини хизмат муддати усулида ҳисоблаш.

Мазкур усул турар-жой фондини оммавий равишида техник инвентаризация қилишда қўлланилиши мумкин (масалан: бир хил типдаги биноларни туркумлаштиришда, оммавий режавий таъмирлаш ишларини режалаштиришда ва х.к.). Бу усул турар-жой биноларини техник эксплуатация жараёнида тўпланган статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ёндошувда бир нечта усуллар, формулалар таклиф этилган.

Эксперт усули.

45 йил эксплуатациядан сўнг, нормал эксплуатация шароитида, барча зарурий профилактик ишлар бажарилган ҳолда, ҳар бир конструктив элемент учун жисмоний емирилиш даражаси тахминан қуйидагича бўлади:

Жадвал

А). Барча зарурий профилактик-таъмирлаш ишлари бажарилган холда.

Бино конструктив элементларининг номи	Алоҳидаги конструктив элементларнинг улуш қиймати, %	Жисмоний емирилиш, %	Емирилиш нинг ўртача қиймати, %
Пойдеворлар	14	20	2,8
Девор ва пардеворлар	22	22	4,84
Оралиқ ёпилма	6	25	1,5
Том қопламаси	7	Алмаштирилган 15	1,05
Поллар	8	Профилактик таъмирланган 45	3,6
Эшик ва деразалар	8	Профилактик таъмирланган 45	3,6
Пардоз ишлари	12	Алмаштирилган 25	3
Ички санитар-техник ва электротехник жиҳозлар	15	Алмаштирилган 15	2,25
Бошқа ишлар	8	25	2
Жами	100		24,64 ≈ 25

Жадвал

Б). Хеч қандай профилактик-таъмирлаш ишлари бажарилмаган холда.

Бинонинг конструктив элементларининг номи	Алоҳидаги конструктив элементларнинг улуш қиймати, %	Жисмоний емирилиш, %	Емирилиш нинг ўртача қиймати, %
Пойдеворлар	14	20	2,8
Девор ва ажратувчи деворлар	22	22	4,84
Оралиқ ёпилма	6	25	1,5
Том қопламаси	7	70	4,9
Поллар	8	56	4,48
Эшик ва деразалар	8	58	4,64
Пардоз ишлари	12	75	9
Ички санитар-техник ва электротехник жиҳозлар	15	70	10,5
Бошқа ишлар	8	30	2,4
Жами	100		45,06 ≈ 45%

Мисолдан кўриниб турибдики, бинодаги жисмоний емирилиш даражаси тахминан 25-45%. Демак, жисмоний емирилиш даражасини аниқлаш учун бинода бажарилган таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларнинг бажарилганилиги ҳақидаги маълумот ҳам муҳимдир. Агарда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, мисолдан кўринадики, меъёрий усул ҳам тақрибий натижага бериши мумкин.

Тураг-жой фондининг жисмоний емирилишини аниқлашнинг ҳозирги кундаги мавжуд усуллари, уларнинг баъзи хусусиятларини қўйидаги жадвалда таҳлил қиласиз.

/р	Усул муаллифи (номи)	Формуласи	Қулайл иги	Кам ги
<i>Норматив-хизмат муддати усуллари</i>				
	<i>Архитектор Ross (1820ий.)</i>	<p>А) Нормал (яхши) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши.</p> $\Phi_{и} = \frac{t^2}{T^2} * 100$ <p>Б) Ўртача (қониқарли) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши.</p> $\Phi_{и} = \frac{t * (t + T)}{2T^2} * 100$ <p>В) Қониқарсиз эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши.</p> $\Phi_{и} = \frac{t}{T} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолаш да куладай	Бинон техник ҳолати белгилаб олмайди
	<i>C.K.Balaishov (1939ий.)</i>	$\Phi_{и} = \frac{T(T + t)}{2.67t^2} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолаш да куладай	Бинон техник ҳолати белгилаб олмайди
			Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолаш да куладай	Бинон техник ҳолати белгилаб олмайди

			баҳолашда қулай	
<i>V.Сроковский</i>	A) Ўртачадан паст (тўлиқсиз қониқарсиз) эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши.	$\Phi_{\text{и}} = \frac{t}{t + t_1} * 100$ ёки $\Phi_{\text{и}} = \frac{T(T + t)}{2t^2} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг техник ҳолати белгилаб олмайди
	Б) Қониқарсиз эксплуатация қилинган бинонинг жисмоний эскириши аниқлаш.	$\Phi_{\text{и}} = \frac{t_1}{t + t_1} * 100$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг техник ҳолати белгилаб олмайди
	В) Т-меъёрий хизмат даврига teng ёки унга яқин хизмат қилган бинонинг эскириши.	$\Phi_{\text{и}} = \frac{t_1}{T + t_1} * 100$ ёки $\Phi_{\text{и}} = 100 - \frac{25 + 100t_1}{T}$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай	Бинонинг техник ҳолати белгилаб олмайди
<i>B.B.Анисимов</i> <i>B.E.Николайце</i> <i>6</i>	A) Биринчи капиталлик гурӯҳ бинолари учун. $\Phi_{\text{и}} = 0.000829t^3 - 0.104t^2 + 0.867t + 9$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда	Бошқа капиталлик гурӯҳларга учун қулланади. Бинонинг реал ҳолатини	

			қулайбўлиб, 1-капиталлик синфига мансуб биноларга нисбатан татбик этиш мумкин.	белгилаб олмайди
		Б) Иккинчи капиталлик гурух бинолари учун. $\Phi_{ii} = 0.16t^2 + 0.68t$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулайбўлиб, фақатгина 2-капиталлик синфига мансуб биноларга нисбатан татбик этиш мумкин.	Бошқа капиталлик гурух бинолари учун қулланни Бинонинг реал холатини белгилаб олмайди
	Литвер (НИИЭС собиқ иттифоқ қурилиши қумитаси-1969й)	А) Биринчи капиталлик гурух бинолари учун. $\Phi_{ii} = 0.1t^2 + 0.5t$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулайбўлиб, 1-капиталлик синфига мансуб биноларга нисбатан татбик этиш мумкин.	Бошқа капиталлик гурух бинолари учун қулланни Бинонинг реал холатини белгилаб олмайди
		Б) Иккинчи капиталлик гурух бинолари учун. $\Phi_{ii} = 0.16t^2 + 0.68t$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулайбўлиб, 2-капиталлик синфига мансуб биноларга нисбатан татбик этиш мумкин.	Бошқа капиталлик гурух бинолари учун қулланни Бинонинг реал холатини белгилаб олмайди
	Жисмоний эскиришини аниқлашнинг объект ёши ва ўтказилган капитал	$I_{\phi} == \alpha * \sum_{i=0}^k \left(\frac{100 - \alpha}{100} \right)^i + \left[\left(100 \sum_{i=0}^k \left(\frac{100 - \alpha}{100} \right)^i \right) * \left(1 - e^{-3.0 \frac{T_k}{T_{\text{ном}}}} \right) \right]$	Объектларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулайбўлиб, ўтказилган капитал таъмирларни	инони техни холати белги олмайди ақатги

	таъмирларни ҳисобга олиш усули		инобатга олиш имконияти мавжуд.	тўлиқ таъми бинол мансу
--	---------------------------------------	--	---------------------------------	-------------------------

Ҳаражатларни ҳисобга олиш усули

	<i>Ҳаражатларни ҳисоблаш орқали аниқлаш – смета усули</i>	$\Phi_{и} = \frac{K_{mkm}}{B * K_0} * 100\%$	Конструкти в қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-курилиш тадбирлари ҳаражатини ҳисоблаш орқали жисмоний емирилишни аниқроқ топиш имконияти мавжуд.	Бинод таъмирлаш-қутиклаш ўтказилмаган уни қуллаб бўй
--	---	--	--	--

.	<p><i>Башкатов В.С.</i> усули (2013й.)</p> $\Phi_{ii} = \frac{100 * k_i * 5(1.036^{t_i^{\frac{1}{5}}} - 1.036^{t_i^{\frac{2}{5}}})}{\ln 1.036}$	<p>Конструкти в қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-курилиш тадбирлари ҳаражатини хисоблаш оркали жисмоний смирилишни аникроқ топиш имконияти мавжуд.</p>	<p>Бинод таъмирлаш-қутиклаш ўтказилмаган уни қуллаб бў.</p>

.	<i>Болотин интегралы</i>			
0	<p>КМК 2.01.16-97 <i>Собиқ ВСН 53-86(р)</i> ўрнига <i>(бевосита кузатув-текширув ишилари орқали)</i></p>	<p>Техник экспертиза усуллари</p> <p>A) Конструктив элементларнинг эскириши</p> $\Phi_k = \sum_{i=1}^n \Phi_i \frac{P_i}{P_k}$	<p>Хар бир конструк-ция, унинг қисми ва инженерлик тармоқлари эксперт томонидан текширилади ва ундаги 72 та жадвал ёрдамида шикастланиш даражаси ўрнатилиб,</p>	<p>1. тларни инвентаризация паспортизация ишларида баҳолаш и имконияти чегараланган усулини гурухига татбілдірмайды;</p> <p>2.</p>

			<p>бинонинг техник ҳолати бўйича реал ҳолатга яқин хулоса бериш имконияти мавжуд.</p> <p>Б) Бинонинг эскириши</p> $\Phi_s = \sum_{i=1}^n \frac{\Phi_{ki} L_i}{100}$	<p>рий хужжат бўйича конструкция, ва инженерларни жихозларидаги шикастланиш ташки борқали аниқлашадиги 3. конструкция, элементларни материал кўрсаткичлари пасайишини олиш имконияти мавжуд.</p>
1	<p>Бинони билвосита кўзатув-текширув ишлари орқали <i>(техник диагностика усуллари ёрдамида)</i></p>		<p>Бино ва унинг конструкцияларини, элементлари ва инженерларни жихозларининг сифат кўрсаткичларини ўрнатиш билан ҳақиқий техник ҳолатини аниқлаш имкониятига эга</p>	<p>Сифат кўрсаткичларни сонли кўрсаткунни жемирилиш кўринишида лаш имкониятига эга</p>

* к/т - капитал таъмир

Тахлил қилинган усулларнинг барчасида ўзига хос камчилик ва устунлик томонлари мавжуд. Бу усулларни биноларнинг жисмоний емирилишини (эскиришини) дастлабки, тахминий бўлиши мумкин бўлган даражасини аниқлашда фойдаланилади. Бундан ташқари эксплуатациянинг узоқ даври мобайнида бўлиши мумкин бўлган жисмоний емирилиш даражасини башорат қилиш учун қўлланилади. Шу билан бирга бинони режавий профилактик таъмирлаш ишларини режалаштиришда бу усуллар қўл келади. Ҳисоблар аниқлиги ва ишончлилиги юқори даражада эмас, лекин юқорида келтирилган масалаларни ечишни режалашда бу усулларни қўллаш мумкин. Бироқ бинонинг ҳақиқий техник ҳолатини аниқлаш учунбу усулларни қўллаб бўлмайди.

Норматив-хизмат муддати усуллари биноларни инвентаризация ва паспортизация ишларида, оммавий баҳолашда қулай бўлиб, биноларининг эксплуатациясининг қониқарли, ўртача ва қониқарсиз ҳолатлари учун архитектор Росс ва В.Сроковскийлар томонидан мос равишдаги формуласалар таклиф этилган бўлса, бунда капиталлик гуруҳлари ҳисобга олишни В.В.Анисимов-В.Е.Николайцев ва Литвер томонидан тавсия этилган. Юкоридагиларнинг биринчиси эксплуатация шароитини инобатга оладиган бўлса, иккинчиси бинонинг капиталлик гуруҳидан келиб чиқади. Уларнинг асосий камчилиги эса биноларнинг реал техник ҳолатини аниқ белгилаб бера олмаслигидир. Жумладан С.К.Балашов томонидан таклиф этилган формула ҳам айrim ҳоллардагина яхши натижа бериши мумкин.

Кейинги усул жисмоний эскиришни аниқлашнинг обьект ёши ва ўтказилган капитал таъмирларни ҳисобга олиш усули бўлиб, у анчагина реал ҳолатни акс эттира олади. Бироқ, мазкур формула бинода капитал таъмирлаш ишлари тўлиқ ўтказилган ҳоллардагина аҳамиятлидир. Кўп квартирали тураг-жой биноларида бир вақтда тўлиқ капитал таъмирлаш ишларининг ўтказилиши эса жуда камдан-кам ҳолдагина учрайди.

Норматив хизмат муддатига мансуб усулларни тураг-жой кварталларни реновация дастурларини ишлаб чиқиша уларнинг типологияси, ёшидан келиб чиқсан ҳолда оммавий капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки бузиш ҳақидаги қарорлар қабул қилишда қул келади. Бундан ташқари, кўп йиллик кўчмас мулкни баҳолашдаги тажрибамиздан келиб чиқсан ҳолда, масалан С.К.Балашов формуласидан кўчмас мулк объектларини баҳолашдабаҳоловчи мутахассислар учун тавсия этиш мумкин. Бу билан йўл қуйилаётган субъектив хатоликлар камайиши мумкин.

Харажатларни ҳисобга олиши усуликонструктив қисм, хоналар ёки бутунлай бинони таъмирлаш-қурилиш тадбирлари ҳаражатини ҳисоблаш орқали жисмоний емирилишни аниқроқ топиш имконияти мавжуд. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўп квартирали турар-жой биноларида таъмирлаш-қурилиш, тиклаш ишлари ҳаражатлари бинодаги емирилш-эскириш даражасини тўлиқ акс эттира олмайди, чунки ўтказилаётган таъмирлаш ишлари асосан жорий таъмирлаш ишлари даражасида бўлиб, эскириш жадаллиги билан уни бартараф этиш жадаллиги ўзаро номутаносиб. Худди шу фикрни Башкатов В.С. томонидан тавсия этилган формула учун ҳам айтиш мумкин.

Техник экспертиза усуллари ҳар бир конструкция, унинг қисми ва инженерлик тармоқлари эксперт томонидан текширилади ва амалдаги ҚМК 2.01.16-97 [ҚМК 2.01.16-97] даги 72 та жадвал ёрдамида шикастланиш даражаси ўрнатилиб, бинонинг техник ҳолати бўйича реал ҳолатга яқин хулоса бериш имконияти мавжуд.

Бу усулни қўллаш кетма-кетлиги батафсил мазкур ҚМК да келтирилади. Бу усулга асосан бино конструкцияларининг жисмоний емирилиши кўрсатгичи уларнинг шикастланиши даражаларининг ташқи белгиларига кўра аниқланади. [ҚМК] да конструкцияларнинг жисмоний эскириши кўрсатгичлари 72 та жадвалда бинонинг турли конструктив қисмларида бўлиши мумкин бўлган шикастланиш ҳолатлари уларнинг ташқи белгиларининг кўриниши сифатида баён қилинган.

Бинонинг конструктив қисмларининг улуш қийматлари УПВС [УПВС] (Укрупненые стоимости восстановительной стоимости зданий и сооружений - бино ва иншоотларнинг тикланиш қийматларини аниқлаш йириклиштирилган кўрсаткичлари) услугий қўлланмасидан қабул қилинади.

Юқорида таҳлил қилинган усулларни қанчалик ишончли эканлигини биз томонидан амалда техник ҳолати ўрганилган кўп квартирали турар-жой биноларида аниқланган жисмоний эскиришни баҳолашда олинган натижалар билан қиёслаш орқали қуйидаги графикда таҳлил қиласиз.

Назорат саволлари:

1. Турар-жой фондининг эскиришининг қандай турларини биласиз ?
2. Жисмоний эскириш нима, унинг турлари ?
3. Маънавий эскириш нима, унинг турлари ?
4. Эскиришга таъсир қилувчи худудий омилларга нималар киради ?
5. Биноларга бугунги кунда қандай замонавий эксплуатация талаблари куйилмоқда ?
6. Эскиришни ҳисоблашнинг қандай усулларини биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.
2. Schadensmechanismen. Institut fur Werkstoffe des Bauwesens. Fakultat fur Bauingenieur- und Vermessungswesen. Univ.-Prof. Dr.-Ing. K.-Ch. Thienel, Herbstsemester, 2010.
3. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
4. Рекомендации по конструктивному обследованию и прогнозу технического состояния существующих зданий и сооружений. ГК РУз по Архитектуре и строительству, Ташкент, 2000 г.
5. Руководство по обследованию и оценке технического состояния железобетонных конструкций зданий и сооружений. ТАСИ, ИМиСС им. М.Т. Уразбаева АН РУз, Ташкент, 2004 г.
6. Методика определения физического и функционального износа зданий (сооружений). ГККИНП-18-037-00. Главное управление геодезии, картографии государственного кадастра при кабинете министров Республики Узбекистан.: Ташкент, 2000г.
7. Сборник. Книга №1 «Многоквартирные жилые здание в городах и городских поселках Республики Узбекистан», ГККИНП-18-076-03.
8. ҚМҚ 2.01.15-97. Туар-жой биноларида кузатув-текширув ишларини олиб бориш йўриқномаси;
9. ҚМҚ 2.01.16-97. Туар-жой биноларининг жисмоний эскиришини аниqlаш қоидалари;

3- мавзу: УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ.

Режа:

- 3.1. Бино ва иншоотлар эксплуатациясининг ўзига хос хусусиятлари. Республикаизда мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари.
- 3.2. Эксплуатациянинг таркиби ва мазмунига қуйиладиган талаблар. Бинолардан фойдаланиш. Биноларга хизмат кўрсатиш, кўриклар тизими, мавсумий кўрикларнинг аҳамияти.

Таянч иборалар: Туар-жой фонди, эксплуатация, эксплуатациянинг таркиби ва мазмуни, бинолардан фойдаланиш, биноларга хизмат кўрсатиш, кўриклар тизими, мавсумий кўрикларнинг аҳамияти.

3.1. Бино ва иншоотлар эксплуатациясининг ўзига хос хусусиятлари. Республикаизда мавжуд бино ва иншоотларнинг тарихий шаклланиши омиллари.

Бино ва иншоотлар эксплуатациясини тўғри ташкил этиш, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самараси, эксплуатация мобайнида турли

даражадаги таъмирлаш, реконструкция қилиш, қайта тиклаш, модернизация қилишда уларнинг эскириш даражасини тўғри аниқлаш, бугунги кунда иқтисодий ва хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим масаладир.

Республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган бир неча “авлод”га тегишли бино ва иншоотларнинг аксарияти қисми бугунги кунда турли даражадаги техник ҳолатга эга бўлиб, уларда конструктив элементларнинг емирилиш жадаллиги турлича кечади. Бунга, бинода конструктив элементларнинг тури, материали, тайёрлаш ва монтаж жараёни, қолаверса, республикамизнинг ўзига хос специфик шарт-шароитлари, хусусан, катта амплитудада ҳароратнинг кунлик, мавсумий, йиллик тебранишлари, сизот сувларининг таъсири остида эксплуатациянинг нотўғри ташкил этилганлиги сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳри ҳудудининг зилзилавий кўрсаткичи сўнгги 70 йил ичида 7 баллик зонадан 9 баллик зонага ўзгарди. Юқорида таъкидланган бир неча авлодага тегишли бино ва иншоотларнинг типик вакилларининг барчаси Тошкент шаҳрида мавжуд. Буларга 1930-40 йилларда қурилган барча коммунал қулийликларга эга бўлган дастлабки 2-3 қаватли турар-жой биноларидан тортиб, турли вазифадаги саноат бинолари ва иншоотлари (уларнинг аксарияти 2-жаҳон уруши йилларида қурилган ишлаб чиқариш объектлари) ни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Буларни индустрисал қурилишдаги “биринчи авлод вакиллари” сирасига киритиш мумкин.

“Иккинчи авлод вакиллари” сифатида урушдан кейинги йилларда қурилган бинолар бўлиб, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласигача бўлган даврни қамрайди.

Мазкур даврларда барпо этилган турар-жой биноларининг кўпчилиги бугунги кунда техник категориялар шкаласи бўйича “қониқарсиз” ҳолатдадир [3].

Бунга бир неча йиллар давомида юзлаб объектларда олиб борилган текширув натижаларидан олинган реал фактларимиз асос бўлади.

Мазкур биноларнинг аксарияти ғиштли конструкциялар бўлиб, улар антисейсмик чора-тадбирларсиз лойиҳаланган ва амалдаги нормаларга жавоб бермайди. Уларни бугунги кунгача бўлган фаолиятини фақатгина қурилиш-монтаж ишларининг сифатлши бажарилганлиги билан, қурилиш материаллари, хусусан уларда ғишт маркасининг камидা 150 эканлиги, қоришка маркасининг камида 100, мос равища, терма категориясининг юқорилиги билан тушунтириш мумкин.

1 ва 2 авлодга мансуб биноларда жисмоний емирилиш билан бир қаторда маънавий емирилиш кўрсаткичининг юқорилиги характерлидир.

З авлодга эса Тошкент зилзиласидан кейинги янги нормалар асосида қурилган объектларни киритдик. Бу даврда қурилиш индустриясида анча ўзгаришлар бўлган, янги нормалар жорий қилиниб, оммавий равища типик лойиҳаларга асосланган бинолар қад кўтарди.

З авлодга тегишли дастлабки қурилган биноларнинг ёши ҳам деярли ярим асрни “қоралади”.

Кузатишилар шундан далолат берадики, конструкцияларнинг турли табий ва техноген таъсирлар ўсиши натижасида жисмоний емирилиш жадаллиги ортмоқда. Бу омил уларнинг ҳақиқий эксплуатация муддатининг - меъёрий хизмат муддатидан анча барвақт тугашига олиб келишини таъминлайди (бугунги кунда лойиҳачи томонидан меъёрий хизмат муддати кўрсатиб берилаётгани ҳам йўқ).

Бино ва иншоотларда уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш мақсадида вақти-вақти билан жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўтказилади. Таъмирлаш орқали ёрдамчи конструкциялар қайта тикланиши, асосий юк кўтарувчи конструкцияларнинг пардози янгиланиши мумкин. Бироқ, таъмирлаш билан биз юк кўтарувчи конструкцияда дастлабки даврларданоқ йиғилиб келаётган емирилиш-эскириш ёки бошқача қилиб айтганда юк кўтарувчи конструкциялар материалларида вақт омилига боғлиқ бўлган эскириш – “Базавий емирилиш” - хусусан, бетонда эластиклик модулининг, арматурада эса занглаш эвазига бетон билан тишлашиш коэффициентининг камайиб бориш ҳолатларини биз қайта тиклай олмаймиз !

3.2 Эксплуатациянинг таркиби ва мазмунига қуйиладиган талаблар.


Бинолардан фойдаланиш. Биноларга хизмат кўрсатиши, кўриклар тизими, мавсумий кўрикларнинг аҳамияти.

Бино ва иншоотларни эксплуатацияга қабул қилишдан бошлаб, конструкцияларда шикастланиш ва бузилиш ҳолатлари пайдо бўлганда, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини қайта тиклаш ҳолатларини назорат этиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бино ва иншоотлар техник эксплуатацияси хизматининг асосий масаласи, бутун меъёрий хизмат муддати мобайнида конструктив элемент ва тизимларнинг меъёрий эксплуатациясини таъминлаб берувчи комплекс тадбирлар бўлиб қолади. Бу комплекс тадбирлар бино иншоотларга **техник хизмат кўрсатиши, хизмат кўрсатиши** ва улардан **мақсадли фойдаланишни** ўз ичига олган **эксплуатация** деб аталади.

Ҳозирги замон турар-жой ва жамоат бинолари ўзида муҳандислик тизимлари ва иншоотларнинг мураккаб мажмуасини ифода этади. Уларни текшириш ва эксплуатация қилиш учун бино элементлари ашёларининг эскириш, едирилиш ва бузилиш асосий қонуниятларини, ҳамда биноларни ўз вақтида таъмир, кўриқдан ўтказишни таъминловчи ташкилий тадбирларни билиш лозим.

Тўғри техник хизмат кўрсатиши ва режавий-огоҳлантирув таъмирларини ўз вақтида ўтказиш биноларнинг меъёрий хизмат муддатини таъминлайди. Техник эксплуатацияни ташкиллаштиришда биноларнинг конструкция ва қурилмалари материалини ҳоҳ меъёрий, ҳоҳ барвақт ишдан чиқиши ва эскиришини келтириб чиқарувчи сабабларни билиш лозим.



3.1-расм. Биноларни эксплуатация қилиш схемаси.

Сир эмаски, турар-жой биноларида капитал таъмирлаш ишлари (биноларнинг авлодидан қатъий назар) қониқарли даражада олиб борилаётгани йўқ.

Шахсий уй-жой қурилишида эса ҳеч қандай назорат йўлга қўйилмаган ва маҳаллий ҳом ашёлардан қуриладиган бинолар учун (пишиқ гишт бундан мустасно) амалда ҳеч қандай меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Энди, дастлабки даврдаёқ сейсмик таъминланмаган бинолар (асосан 1-ва 2- авлодга тегишли бинолар)да қушимча “базавий” емирилиши (ёки конструкциянинг қолдик ресурси)ни ҳисобга олсак, бўлажак табиий оғатлар (зилзила)га қанчалик даражада тайёрмиз деган савол тўғилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда масалан, турар-жой бинолари учун қуидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Биноларда маҳсус малакали мутахассислар томонидан қисқа вақтларда маҳсус кузатув-текширув ишларини йўлга қўйиш (бу нарса айниқса 1 ва 2 авлодага тегишли турар-жой биноларида муҳимдир);

- Текширув натижалари бўйича биноларда бундан кейинги бўладиган ишлар (капитал таъмирлар)ни режалаштириш;

- Капитал таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиша нафақат конструкциянинг сейсмик таъминоти масаласи, балки унинг ишончлилигини таъминловчи барча қўрсаткичлар, хусусан, уларни энерго самарадорлигини ошириш масалаларини ҳам назарда тутиш;

- Ҳудудий кадастр, ёхуд ширкатлар томонидан биноларнинг бундан кейинги фаолиятини доимий мониторингини юритиш учун маҳсус гуруҳ ташкил этиш;

- Ширкат сифатида фаолият қўрсатаётган биноларга хизмат қўрсатиш тизимини жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда тубдан ислоҳ қилиш;

- Марказлаштирилган иситиш тизимидан бутунлай воз кечиши, ҳар бир хонадон локал иситиш тармоғига эга бўлиши (бинога кираётган, қаватлараро утувчи қувур тармоқлари, уларнинг носозлиги ва шикастланганлиги, унда йигиладиган конденсат намликлар, конструкцияларнинг емирилиши жараёнини тезлаштиради);

- Биноларнинг ертўла қисмларидан фойдаланишни йўлга қўйган ҳолда шамоллатиш режимини тиклаш (бино ва иншотларнинг ер остки қисмida емирилиши даражаси, коррозия процесси ноқулай муҳитда жадал кечади).

Юқорида санаб утилган ишларни бажариш маблағни талаб этиш билан биргаликда, бино ва иншотлардан нафақат самарали фойдаланишни йўлга қўйилади, балки, инсонларнинг хавфсиз ҳаёти кафолатланади, қолаверса иқтисодиётнинг асосий фондини ташкил этувчи бино ва иншотларнинг умрбоқийлиги таъминланади.

Назорат саволлари:

1. Республикаизда мавжуд турар-жой биноларнинг тарихий шаклланиши омиллари
2. Эксплуатациянинг таркиби
3. Бинолардан фойдаланиш қандай амалга оширилади?
4. Биноларга хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилади?
5. Кўриклар тизимининг зарурияти?
6. Мавсумий кўрикларнинг аҳамияти?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой” Кодекси. Тошкент, 2020.
2. Schadensmechanismen. Institut fur Werkstoffe des Bauwesens. Fakultat fur Bauingenieur- und Vermessungswesen. Univ.-Prof. Dr.-Ing. K.-Ch. Thienel, Herbstsemester, 2010.
3. Francis D.K. Ching “Building Construction Illustrated 5th Edition” USA, 2014.
4. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
5. Рекомендации по конструктивному обследованию и прогнозу технического состояния существующих зданий и сооружений. ГК РУз по Архитектуре и строительству, Ташкент, 2000 г.
6. Руководство по обследованию и оценке технического состояния железобетонных конструкций зданий и сооружений. ТАСИ, ИМиСС им. М.Т. Уразбаева АН РУз, Ташкент, 2004 г.
7. ҚМҚ 2.01.15-97. Турар-жой биноларида кузатув-текширув ишларини олиб бориш Йўрикномаси;
8. ҚМҚ 2.01.16-97. Турар-жой биноларининг жисмоний эскиришини аниқлаш қоидалари;
9. ҚМҚ 1.03.03-97. Турар-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишиш ва тасдиқлаш Йўрикномаси;
10. ҚМҚ 1.04.02-97. Турар-жой биноларини капитал таъмирлаш;
11. ҚМҚ 1.04.03-98. Турар-жой бинолари, коммунал ва ижтимоий-маданий аҳамиятдаги объектларда реконструкция, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича Низом;
12. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.
13. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниқлаш. Ўқув қулланма. ТАҚИ, 2014.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Уй-жой фондининг барвақт эскириши, таъсир қилувчи омиллар, уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

Туар-жой биноларининг барвақт эскиришига таъсир қилувчи худудий омиллар. Лойиҳа, қурилиш, эксплуатация сифатининг аҳамияти.

Ишдан мақсад: Уй-жой фондининг барвақт эскиришига салбий таъсир қилувчи худудий омиллар бўйича мулоҳазалар.

Масаланинг қўйилиши: Мазкур масалада Ўзбекистон иқлимий худудини Ж.Корея ва ғарбий Европа худудларига таққослаш билан мавзуни таҳлил қилиш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сухбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедиали тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Европа иттифоқида бўлгани каби биноларнинг умрбоқийлиги, хизмат муддатлари, меъёрий ва ҳақиқий хизмат муддатлар, эксплуатация муддати ва қолдиқ хизмат даврларини билиш Сервис соҳаси мутахассислари учун муҳимдир. Чунки бинонинг ҳозирги ҳолати ва бундан кейин қанча иқтисодий умрининг мавжудлиги у билан бўладиган барча ишларнинг асоси ҳисобланади.

Мисолларни келтиринг ва муҳокама қилинг.

Назорат саволлари:

1. Биноларнинг умрбоқийлиги ?
2. Биноларнинг хизмат муддатлари капиталлик гуруҳи ўртасидаги муносабат ?
3. Меъёрий ва ҳақиқий хизмат муддатларнинг ўзаро фарқи нимада?
4. Эксплуатация муддати нимада ?
5. Қолдиқ хизмат даврларини аниқлаш қандай амалга оширилади ?
6. Бинонинг иқтисодий умри нима ?

“А” ва “Б” омилларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Иқлим таъсiri (A_1),

$$A_1 = \sum_{i=1}^n A_{1i}$$

бу ерда A_{11} - ҳарорат; A_{12} - намлиқ; A_{13} - қуёш радиацияси; A_{14} - шамол таъсири; A_{15} - ёғингарчилик микдори - ёмғир, қор, дул, тузли, кислотали ёмғирлар; A_{16} - момақалдирок энергияси; A_{17} - грунтнинг музлашива ҳ.к.

$$\underline{\text{Динамик таъсирлар}} \ (A_2), A_2 = \sum_{i=1}^n A_{2i}$$

бу ерда A_{21} - зилзила; A_{22} - техноген таъсирлар (транспорт юки таъсиридаги титрашлар ва ҳ.к.); A_{23} - портлаш таъсири ва ҳ.к.

$$\underline{\text{Гидрогеологик жараёнлар}} (A_3), A_3 = \sum_{i=1}^n A_{3i}$$

бу ерда A_{31} -ер ва қор кўчкилари; A_{32} - силжиш жараёни; A_{33} - карст жарёни; A_{34} - ўпирилишлар; A_{35} - сизот сувларининг кўтарилиши, ўрланиш даражалари; A_{36} - ернинг эрозияси, жарликлар пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳ.к.

$$\underline{\text{Таъсир қилувчи мұхит}} \ (A_4), A_4 = \sum_{i=1}^n A_{4i}$$

бу ерда A_{41} - биологик зааркунандалар; A_{42} - физик таъсирлар-адашган токлар; A_{43} - кимёвий таъсирлар; A_{44} - физик-кимёвий таъсирлар; A_{45} - ҳаводаги газлар.

$$\underline{\text{Бошқа турдаги табиий ва техноген оғатлар}} (A_5), A_5 = \sum_{i=1}^n A_{5i}$$

бу ерда A_{51} - ёнғинлар; A_{52} - сув босиши; A_{53} - вулқон отилиши; A_{54} - кучли шамоллар ва туфонлар; A_{55} - шовқин ва товушлар; A_{56} - радио ва электромагнит тулқинлартаъсири ва б.

$$\underline{\text{Технологик (функционал)таъсирлар}} \ (A_6), A_6 = \sum_{i=1}^n A_{6i}$$

бу ерда A_{61} - юклар (доимий, вақтингчалик, қисқа муддат таъсир этувчи...); A_{62} - грунтнинг босими; A_{63} - технологик жараёнлар (зарблар, титрашлар, едирилиш...); A_{64} - юқори ҳароратнинг тебраниши; A_{65} - юқоринамлиқ(технологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган) таъсири ва б.

Энди “Б” тоифадаги омилларни кўриб чиқамиз:

$$\underline{\text{Лойиха олди босқичи}} \ (B_{31}), B_{31} = \sum_{i=1}^n B_{31i}$$

бу ерда $B_{311, 312...n}$ - илмий-тадқиқот, жумладан, инженерлик қидирав ишлари, иқтисодий ва техник жиҳатдан асослаш, техник топшириқни тайёрлаш, зарурий ҳужжатларни яратиш ва уларни тегишли ташкилотлар билан келишишдаги йўл қўйиладиган хатоликлар:

Илмий-тадқиқот - инженерлик қидирав ишларининг тулақонли олиб борилмаслиги, худудга хос бўлган барча омилларни тулиқ инобатга олинмаслиги, бўлажак обьектнинг истиқболли бош режадаги ўрнини

худуднинг ягона ривожланиш стратегиси билан ҳамоҳанг бўлмаслиги каби масалалар.

Иқисодий ва техник асослаш - олинган маълумотларни аниқлаштириш ва уларни таҳлил қилиш учун йўналтирилган тадбирдир мажмуаси бўлиб, у ҳар доим ҳам мутахассислар томонидан қониқарли даражада амалга оширилмаслиги мумкин. Мутахассис томонидан эксплуатацияни тўғри ташкил қилиш ва буюртмачи ҳоҳишига мос келувчи обьектнинг конструкцияси ва архитектурасини яратишнинг мукаммал даражада амалга оширилмаслиги (ундан яхшироқ муқобил вариант ҳар доим бўлади). Объект жойлашган жой хусусиятидан келиб чикқан ҳолда, инвестицион жозибадорликни тўлиқ ҳисобга олмаган ҳолда лойиҳани амалга оширишда бўлажак фойдаларнинг аниқ ҳисобланмаслиги ва ҳ.к.

Техник топшириқни тайёрлаш – бу мухим босқич бўлиб, у хужжатларни ишлаб чиқишида асос бўлади. Бу босқичда бўлиши мумкин бўлган барча омилларни тулиқ ҳисобга олиш яна мутахассисдан масъулият талаб қиласиди. Техник топшириқда лойиҳалашнинг асосий масалалари, муаммолари ёритилиб, бу муаммоларни ҳал қилиш ҳам мазкур жараёнда амалга оширилиши талаб қилинади.

Барча хужжатлар тайёрлаб бўлингандан сўнг келишиш амалга оширилади. Келишиш жараёнида мутахассис бевосита иштирок этмайди, (“ягона дарча” тизими орқали) бу эса жараёнда баъзи тушунмовчиликларга олиб келиши, баъзиде қониқарсиз жавоблар бир неча марта такрорланиши мумкин. Юқорида санаб утилган жараёнлар факатгина юқори малакага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши мумкин.

$$\underline{\text{Лойиҳалаш жараёни}} \quad (B_{32}), \quad B_{32} = \sum_{i=1}^n B_{32i}$$

бу ерда $B_{321,322...n}$ - лойиҳалаш жараёнида лойиҳачи томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар:

Бино даражасида. юк ва таъсирлар, қурилиш конструкцияларнинг ҳолати бўйича маълумотларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги; ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича худудий иқлим омилларини эски параметрлар бўйича қабул қилиниши; аниқ ишлаб чиқариш шароити ва эксплуатацион омиллар ҳақида маълумотларнинг ҳисобга олинмаслиги; геологик маълумотларни чала ёки нотўғри тақдим этилиши, ер ости сувларининг мавсумий тебранишлари, нобарқарорлиги ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларнинг етишмаслиги; эксплуатация мобайнида баъзи қурилиш материалларининг емирилиши – эскириши жадаллиги ва уларнинг физик-механик хусусиятлари бўйича маълумотларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги; унинг конструктив қисмлари функциясини нотўғри моделлаштириш, уларнинг таркибини етарлича ҳисобга олинмаслиги; конструкциялар, элементлар ва инженерлик жиҳозларини лойиҳалашда бинони эксплуатация мобайнида комплекс капитал таъмирлаш мақсадида кулланиладиган материалларнинг хизмат муддатининг эътиборга олинмаслиги; аэрация ва инслояция маромларини

нотўғри ҳисобланиши (эътиборга олинмаслиги); ходимлар малакасининг пастлиги ва ҳ.к.

Тураг-жой гуруҳи даражасида. Бинони ва бинолар гуруҳини уфқа нисбатан нокулай жойлаштириш-инсолация маромининг бузилиши; тураг-жой гуруҳида аэрция маромини ташкил этилмаганлиги; туташ ҳудудларни ободонлаштиришда барча ободонлаштириш элементларини деталлаштирилган лойиҳаларини етишмаслиги (худудда ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш бўйича вертикал режалаш, кириш йўлакларни ёритилганлик даражасини ҳисоблаш, сугориш ва ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш бўйича ирригация ариклари, кўкаламзорлаштириш нормаси, хўжалик майдони, мактабгача болалар ва болалар уйин майдонлари ва ҳ.к.); туташ ҳудудларни ободонлаштиришда қулланиладиган материалларнинг альбедо кўрсаткичларини ҳисобламаслик; фаолиятдаги тураг-жой массивларида мавжуд бинолар орасида янги тураг-жойларни лойиҳалашда инженерлик таъминоти масаласида аниқ ҳисоб-китобларнинг йўқлиги; қурилиши зичлигини ошириш билан инсолация, шамоллатиш режимининг, ободонлаштириш элементлари нормаларининг бузилиши; ҚМҚ 2.01.07-03* бўйича транспорт инфраструктурасини лойиҳалашдаги камчиликлар, хусусан, автотураргоҳлар ва автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларининг лойиҳада ўз ечимини топмаслиги, ходимлар малакасининг пастлиги ва ҳ.к.

Завод шароитида конструкцияларни тайёрлаш, уларни ташиши,

сақлаш босқичлари (B_{33}),
$$B_{33} = \sum_{i=1}^n B_{33i}$$

бу ерда $B_{331,332\dots n}$ – завод шароитида тайёрлашда хом-ашё ва материалларнинг сифатини текшириш назоратининг пастлиги; буюмларни тайёрлаш маромининг бузилиши, габарит ўлчамлардан четлашиш – нуқсонли конструкцияларни тайёрлаш; ходимлар малакасининг пастлиги; тайёр конструкцияларни сақлашда йўл қуйиладиган хатоликлар, тайёр конструкциялар, элементлар ва деталларнинг очиқ атмосфера остида узоқ муддатли қолиб кетиши натижасида бетоннинг ишқорланиши, музлаб-эриши, металл конструкцияларнинг занглаши; юклаш ва тушириш технологияларининг бузилиши натижасида шикастланиши, ташишда маҳсус транспорт воситаларидан фойдаланмаслик, омборхоналарда уларни нотўғри сақлаш ва ҳ.к.

Қурилиш-монтаж босқичи (B_{34}),
$$B_{34} = \sum_{i=1}^n B_{34i}$$

бу ерда $B_{341,342\dots n}$ – қурилиш-монтаж босқичи:

Бино даражасида. ишчиларнинг малакаси; лойиҳа ечимларидан четлашиш; қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш бўйича муаллифлик назоратининг қониқарсиз олиб борилиши; қурилиш ишларини бажаришда амалдаги техник шартларга риоя этилмаслиги; монтаж ишларида

элементларнинг горизонтал ва вертикал ҳолатданоғиши, нотўғри жойлаштириш, тақалмаларнинг сифатсиз бажарилиши, пайванд чокларининг сифатсиз бажарилиши, монтаж боғламларнинг йўқлиги; қиши ёки ёзниң жазирама кунларида айниқса бетон ишларнинг бажарилишида техник шартларга риоя этилмаслиги, худди шундай, ғишт-тош конструкцияларни барпо этиш технологияларининг бузилиши; металл қуйилма деталларининг, тугунларнинг занглаши; темирбетон элементларда дарзларнинг пайдо бўлиши (айниқса узок муддат қурилиши тугалланмаган обьектларда); қурилиш намлигини тулиқ бартараф этмасдан пардозлаш; қурилишда рухсат этилган четлашишларга амал қиласлик; бетоннинг етарлича мутсаҳкамликка эришмасидан уни юклаш; сизот сувларига қарши дренаж тизимини қурмаслик (ёки сифатсиз қуриш); гидроизоляция ишларининг сифатсиз бажарилиши ва ҳ.к.

Тураг-жой гуруҳи даражасида. Туташ ҳудудларни ободонлаштиришда барча ободонлаштириш элементларини охиригача бажармаслик; (ҳудудда ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш бўйича вертикал режалаш ишлари, сугориш ва ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш бўйича ирригация ариқлари, кўкаламзорлаштириш нормаси, хўжалик майдони, мактабгача болалар ва болалар уйин майдонлари ва ҳ.к.); фаолиятдаги тураг-жой массивларида мавжуд бинолар орасида янги тураг-жойларни қуришда атрофдаги биноларни шикастлаш (оғир техникалардан фойдаланиш, зарблар, вибрациялар, мавжуд инженерлик тармоқлари юкласини ошириш); ободонлаштириш элементларини нотўғри бажарилиши, хусусан, котлован қияликларини қайта кўмиш ишларининг нотўғри (қатламларни намлантириб кетма-кет кўмиш) бажарилиши, туташ ҳудудларни вертикал режасини сифатсиз бажариш, қопламали йўлаклар-пиёдалар йўлаклари, уй олди йўлаклари, асосий йўлакларини бажариш технологиясига амал қиласлик (нишабсиз, заминни зичлаштирасдан, тайёрғалик қатламларининг сифатсиз бажарилиши; тураг-жой гуруҳи учун ер ости сизот сувларидан ҳимоялаш тадбирларининг бажарилмаслиги (ёки сифатсиз бажарилиши); ходимлар малакасининг пастлиги ва ҳ.к.

$$\underline{\text{Эксплуатация босқичи}} \quad (B_{35}) \quad B_{35} = \sum_{i=1}^n B_{35i}$$

бу ерда $B_{351, 352..n}$ – эксплуатация босқичидаги хатоликлар:

Бино даражасида. Барча қўриклар ва таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги; лойиха ечимларининг эксплуатация шароитларига тўғри келмаслиги; бинода зарурий режавий-огоҳлантирувчи таъмирлаш тизимининг мавжуд эмаслиги; бинонинг, унинг элементлари ва инженерлик жиҳозларининг ҳақиқий эксплуатация муддати, юк кутарувчи ва чегараловчи конструкцияларида емирилишдаражасининг катталиги; эксплуатация қоидаларининг қупол бузилиши, жумладан, ахолининг тураг-жой биносидан, инженерлик жиҳозларидан фойдаланиш талабларини билмаслиги, унга амал қиласлиги, квартиralар ичи тарҳини ўзбошимчалик билан ўзгартирилиши, юк кутарувчи конструкцияларининг шикастланиши ҳолатлари,

балконларнинг турли ҳолатларга келтирилиши; ертўла, санитар-гигиеник хоналарда намлиқ маромининг бузилиши; ертўла, чордоқ ва кириш зина йўлакларининг доимий сақлаш сифатининг пастлиги, таъмирлаш-тиклаш ишларининг сифатсиз бажарилиши; ертўлалардан ноқонуний фаолият турлари бўйича фойдаланиш; қурилиши тугалланмаган биноларнинг узоқ муддатли нотўғри консервацияси; ширкат ва бошқа турдаги эксплуатация ташкилотлари ходимларининг соҳавий малакасизлиги ва ҳ.к.

Тураг-жой гуруҳи даражасида. Туташ ҳудудларнинг ободонлаштириш элементларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимининг яхши ишламаслиги; сугориш ва ташки сувларни қочиришни ташкил этиш бўйича ирригация ариқларининг ишламаслиги, туташ ҳудудлардаги мавжуд кўкаlamзорларнинг парвариш қилинмаслиги (уларни парваришлаш ободонлаштириш бошқармаси ваколатида эмас), хўжалик майдони, мактабгача болалар ва болалар уйин майдонларининг функционал жиҳатдан яроқсизлиги; бинолар периметри бўйлаб ёнғин хавфсизлиги йўлакларининг ёпилиб кетилиши; туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар, фасадларнинг турли-туман кўринишга олиб келиниши; мавжуд ер ости ва ер усти инженерлик тармоқларининг сақлаш сифатининг пастлиги, уларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги; ширкат ва турдаги эксплуатация ташкилотлари ходимларининг малакасизлиги ва ҳ.к.

$$\text{Норматив базадаги камчиликлар } (B_{36}) \quad B_{36} = \sum_{i=1}^n B_{36i}$$

бу ерда $B_{361,362..n}$ – илмий-тадқиқот ишларидан тортиб эксплуатациянинг якунигача бўлган жараённи зарурий норматив ҳужжатлар билан таъминланишида, жумладан, кодекслар, республика ва халқаро стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари, техник регламентлар, йўриқномалар, кўрсатмалар, методикалар ва ҳ.к. ларнинг мукаммал эмаслиги, доимий ўзгарувчанлиги ва қайта ишлашга муҳтоҷлиги.


Барча кўриклар ва таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги; лойиҳа ечимларининг эксплуатация шароитларига тўғри келмаслиги; бинода зарурий режавий-огоҳлантирувчи таъмирлаш тизимининг мавжуд эмаслиги; бинонинг, унинг элементлари ва инженерлик жиҳозларининг, юқ кутарувчи ва чегараловчи конструкцияларнинг ҳақиқий эксплуатация муддати уларнинг норматив хизмат муддатлари мос эмаслиги ва.ҳ.к.

Биноларни кузатув-текширув ишлари шуни кўрсатадики, юқорида таснифланган омиллар бугунги кунда қай бирининг бинога қай тарзда таъсир кўрсатиши масаласини аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир аниқ ҳолат учун уларни алоҳида тадқиқ этиш талаб этилади.

Умрбоқийликка ҳудудий омилларнинг таъсири қандай даражада. Бугунги кунда биноларнинг капиталлик гурухлари қандай тартибда ўрнатилмоқда. Бугунги кунда лойиҳачи ташкилот томонидан биноларнинг

меъёрий хизмат даврлари қандай тартибда ўрнатилмоқда. Меъёрий хизмат муддатининг ҳақиқий хизмат муддатидан фарқи қандай изоҳланади.

Бино ва иншоотларнинг қолдиқ хизмат даврларини аниқлаш қанчалик мухим масала?



Расм. Бинода жисмоний емирилишнинг ўзгариши графиги.

3-Бино нормал шароитда (барча турдаги таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилган ҳолатда) эксплуатация қилинган.

4-таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилган ва бажарилмаган ҳолатдаги Бино нормал шароитда, бироқ ҳеч қандай режавий-профилактик ёки бошқа турдаги таъмирларсиз эксплуатация қилинган.

A ва B – мос равишда, меъёрий усул бўйича барча турдаги емирилиши.

Бу масалаларда дунёning турли давлатларида иқлимий регионлардан келиб чиқсан ҳолда ахвол қандай?

Жанубий Корея мисолида.

- Особый интерес вызывают как быстро развивалось градостроительство в Корее. Как быстро строилось всё, что имеется в разных территориях республики Кореи.
- Как превращаются непригодные территории к пригодным, осушение территории и другие инженерные мероприятия организован на высоком уровне инженерного достижения (см. в рис).
- Также интересно архитектурно-планировочные и конструктивные решения, метод возведение здание и сооружение, производство технологий строительство и т.д.

- Особый интерес вызывают качество строительства, проводимые строительными компаниями, где влажность воздуха превышают нормативного, где требуются высокая защита строительных конструкций от влаги.
- Конструктивно-планировочное решение улично-дорожных сетей с элементами благоустройство города решено с точки зрения экономии земельных участков города. Скоростные автомобильные дороги с пересечением горные местности с помощью тоннели могут быть образцом нашей республики.



- **Жанубий Кореяда денгизлар худуди ҳисобидан янги ерларнинг ўзлаштирилиши**

* Градостроительный опыт Кореи несомненно будет пользоваться в Узбекистане, хотя сильно отличаются природно-климатические условия двух стран.

* Отличия заключается сейсмичности территории Узбекистана, что ограничивает возможности проектировщиков и строителей. Кроме того, сухо-жаркий климат является особенностью территории Узбекистана, где требуется искусственной орошений территории.

* Высокое уровень засоленности и просадочность грунта, повышения уровня подземных вод за последний годы вызывает дополнительные трудности в строительстве.

* Высокий уровень солнечной радиации и значительной амплитуды суточных и годовых температурных перепад также отрицательно влияют как вновь возводимых, так и существующих сооружениям.

* В Узбекистане сегодня очень актуальным является реконструкция старых городов.

* Также актуально обследования зданий и сооружений, построенные по старым нормам. Например, г.Ташкент считался 7 балльной зоне по сейсмичности до Чаткальского землетрясения. Сейчас сейсмичность территории Ташкента считается 9 балльным.

В Кореи города составляют относительно новые зданий и сооружений, построенные с учетом современных требований.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Хотамов А.Т. Ж.Кореянинг КИСТЕ қурилиш технология институтидаги маъруза, Ж.Корея, 2013.

2. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.

3. Schadensmechanismen. Institut fur Werkstoffe des Bauwesens. Fakultat fur Bauingenieur- und Vermessungswesen. Univ.-Prof. Dr.-Ing. K.-Ch. Thienel, Herbstsemester, 2010.

4. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.

2-мавзу: Туарар-жой биноларининг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатлари. Туарар-жой биноларининг капиталлик гурухлари масаласи, қолдиқ хизмат муддатларини ҳисоблаш.

Ишдан мақсад: Туарар-жой биноларининг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатларини ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Туарар-жой биноларининг капиталлик сигфларини таҳлил қилиш, қолдиқ хизмат муддатларини ҳисоблаш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, туарар-жой биноларининг норматив ва ҳақиқий хизмат муддатлари амалиётда доим бир-бирига мос келавермайди. Бу эса ўрганишни тақозо қиласидиган масаладир. Чунки шаҳарсозликда биноларга қўйилган норматив хизмат муддати мухим бўлиб, улар асосида капитал таъмирлар, истиқболли реконструкция ва туарар-жой даҳаларини реновация масалалари ечилади. Шунинг учун бугунги кунда

қурилаётган турар-жой биноларининг ва эксплуатациядагиларни капиталлик синфларини таҳлил қилиш, қолдиқ хизмат муддатларини ҳисоблаш иқтисодий ва хавфсизлик жиҳатидан ҳам муҳим масала ҳисобланади.

Умрбоқийлик асосан 2 хилга бўлинади: жисмоний ва технологик ёки маънавий умрбоқийлик.

Жисмоний умрбоқийлик конструкцияларнинг жисмоний ва техник: мустаҳкамлик, герметиклик, иссиқлик ва товуш изоляцияси ва бошқа тавсифларга боғлик.

Технологик ёки маънавий умрбоқийлик бинонинг ўз вазифасига мослигига, унда содир бўлаётган функционал ёки технологик жараёнларга боғлик бўлади.

Мисолларни келтиринг ва муҳокама қилинг.

Назорат саволлари:

1. Жисмоний емирилишми ёки эскириш?
2. Келиб чиқиши бўйича емирилишнинг турлари.
3. Қайта тиклаш имконияти бўйича турлари.
4. Қайта тикланадиган ва тикланмайдиган жисмоний емирилиш ?
5. Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар таҳлили

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.

2. Schadensmechanismen. Institut fur Werkstoffe des Bauwesens. Fakultat fur Bauingenieur- und Vermessungswesen. Univ.-Prof. Dr.-Ing. K.-Ch. Thienel, Herbstsemester, 2010.

3. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.

4. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниqlаш. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, 2014.

З-мавзу: Техник диагностиканинг ўткизиш тартиблари.

Инвентаризация ва техник паспортизация. Бино ва иншоотлар конструкцияларида дефект, шикастланиш ва авария ҳолатларининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олиш. Уй-жой фондини мониторинг қилиш тизими.

Ишдан мақсад: Бино ва иншоотларнинг вақт ўтиши билан техник ҳолатининг ўзгариб боришни назорат қилиш.

Масаланинг қўйилиши: Туар-жой биноларини текшириш, инвентаризация ва техник паспортизация ишларини ташкил қилиш, конструкцияларида дефект, шикастланиш ва авария ҳолатларининг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни олдини олиш масалаларини ва уй-жой фондини мониторинг қилиш тизимини ўрганиш.

Амалий машғулотларларни “Кичик гурӯхларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўкув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолашда кўзатув-текширув ишларини ташкил этиш.

Бино ва иншоотлар конструкцияларининг кузатув-текширув ишлари қуидаги ишларни ўз ичига олади:

Лойиха ҳужжатлари, ишчи чизмалар ва очиш ишлари бўйича далолатномалар билан танишиш; объектни бевосита кўздан кечириш, объектни лойиҳага мослигини аниқлаш, бевосита кўзга ташланадиган дефектлар (дарзлар, томдан сув ўтиши, темирбетон элементларда ҳимоя қатламининг бузилиши, металл конструкцияларнинг коррозияланиши, элементларда эгилиш, болтли, пайвандли бирикмаларнинг ҳолати ва ҳ.к.) ни аниқлаш, объектни кўрикдан ўтказиш режасини тузиш, бузмайдиган усуллар асосида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Иншоотнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва аниқланган дефектларни бартараф қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бевосита текширув натижасида объект ҳолатига баҳо бериш текширилаётган конструкция ҳақида дастлабки маълумотларни беради, конструкция элементларидағи емирилиш даражасини таҳлил қилишни, кейинги текширув ишларини олиб бориш заруриятини аниқлаб беради.

Бино ва иншоотларда кузатув-текширув ишларини амалга ошириш қуидаги ҳолларда амалга оширилади:

- даврий ва навбатдан ташқари назоратда шикастланиш ва дефектлар аниқланганда;
- ёнгин, табиий оғатлардан ва техноген авариялардан сўнг;
- давтехназорат ташкилоти кўрсатмасига асосан;
- объектда технологик жараён ўзгарганда ёки консервацияга топширилганда;
- кузатув-текширув ишлари муҳлати тугаганда ёки объектнинг меъёрий хизмат муддати тугаганда;
- объект эгаси ўзгарганда, шунингдек корхонани суғурта қилиш жараёнида;

- саноат ва жамоат биноларини нормал эксплуатацияга яроқлилигини, худди шундай, турар жой биноларида одамларни яшаши мумкинлигини аниқлаш мақсадида;

- таъмирлаш ёки реконструкция қилишни иқтисодий асослашда;
- меъёрий табиий-иклим таъсири кўрсаткичлари (зилзилавий, қор ва шамол юклари) нинг ортиши натижасида.

Бино ва иншоотларнинг конструкцияларини текшириш ишлари одатда, ўзаро боғланган учта асосий босқичдан иборат бўлади[1]:

- **кузатув-текширув ишларини олиб бориш учун тайёргарлик;**
- **дастлабки (бевосита) кузатув-текширув ишлари;**
- **синчиклаб (асбоб-ускуналар ёрдамида) кузатув-текширув ишлари.**

Тайёргарлик ишларига қуйидаги жараёнларни киритиш мумкин. Текширилаётган объектнинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимлари билан, мухандислик-геологик қидирив ишлари билан танишиш. Лойиҳавий-техник ҳужжатларни танлаш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда олинган техник топшириққа асосан иш дастурини ишлаб чиқиши.

Дастлабки кузатув-текширув ишлари

Биноларни дастлабки кузатув-текширув бино конструкцияларида умумий ҳолда бевосита назорат ўтказилиб, барча дефект ва шикастланишлар бўйича уларнинг ташқи белгилари аниқланади. Текширишда нафақат бино конструкцияларининг жисмоний ҳолати, балки, уларнинг маънавий эскириши, бинони бузишга бўлган эҳтиёж, бинога усткурма қуриш имкони борлиги ёки йўқлиги бинонинг айрим элементларини ўзгаришсиз қолдиришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги аниқланади.

Демак, дастлабки текширув бино конструкцияларининг ташқи кўриниши бўйича бинонинг техник ҳолатига дастлабки хулоса бериш ва синчиклаб текшириш заруриятини аниқлаш учун амалга оширилади.

Дастлабки текширишга асос бўлиб, бино ёки иншоотнинг ва уларнинг конструктив элементларини ўлчов асбоблари (дурбин, фотоаппарат, рулетка, штангенциркул, шуп ва ҳ.к.) ёрдамида кўздан кечириш хизмат қиласи.

Дастлабки кўздан кечириш жараёнида кўзга кўринадиган дефектлар ва шикастланиш ҳолатлари аниқланиб, назорат ўлчовлари ўтказилади ва улар қайд дафтарларига туширилади, дефект ва шикастланган қисмлар бўйича чизмалар, фотолар тузилиб, дефект ва шикастланишларнинг жойи ва тафсилоти ҳақида маҳсус қайднома журналига туширилади. Бино ёки иншоотда ва уларнинг алоҳидаги қисмларида характерли деформациялар (эгилиш, вертикалдан оғиш, бўртиб чиқишилар, қийшайиш, синиш ҳолатлари ва ҳ.к.) мавжудлиги текширилади. Аварияли жойларнинг мавжудлигини аниқлаш ва ҳ.к. ишлар амалга оширилади.

Дастлабки кўздан кечириш натижаси бўйича, шикастланганлик даражаси ва дефектларнинг характерли кўринишлари бўйича курилиш конструкцияларининг техник ҳолатига дастлабки баҳо берилади. Қайд этилган дефект ва шикастланишлар (масалан: темирбетон ва тош-гишт конструкцияларида дарзларнинг шакллари ва уларнинг ривожланиш схемаси, ёғоч конструкцияларда биошикастланишлар, металл

конструкцияларда коррозияланиш натижасида шикастланган қисмлар ва ҳ.к) уларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлашга ва конструкция ҳолатини баҳолашга етарли бўлиши, натижада зарурий хулосалар беришга етарли маълумотга эга бўлиши мумкин. Агарда дастлабки кўздан кечириш натижаси бўйича олинган маълумотлар зарурий хулосалар беришга етарли эмас деб топилса, у ҳолда бино конструкциясини синчилаб текшириш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолда, зарур бўлса, синчилаб текшириш дастури ишлаб чиқилади.

Агарда дастлабки кўздан кечириш натижасида иншоотнинг юк кўтарувчи конструкциялари (устун, тўсин, ферма, арка, ора ва ёпма плиталари ва ҳ.к.) нинг мустаҳкамлиги, бикирлиги ва устиворлигини камайишига олиб келувчи дефект ва шикатланишлар аниқланса, у ҳолда синчилаб текшириш босқичига ўтиш зарурdir.

Агарда, бинода авария ҳолатнинг келиб чиқишидан гувоҳлик берувчи белгилар аниқланса, бу ҳолда қисқа муддат ичida мумкин бўлган бузилишни олдини олувчи тавсиялар ишлаб чиқилади.

Замин грунтининг қониқарсиз ҳолати ҳақида гувоҳлик берувчи характерли ёриқлар, бинонинг бир қисмини қийшайиши, деворларнинг ёрилиши ва бошқа турдаги шикатланиш ва деформация ҳолатлари аниқланганда, зудлик билан мухандислик-геологик қидирув ишларини ўтказиш зарур. Бу тадқиқот натижасида нафақат қурилиш конструкцияларини қайта тиклаш ва таъмирлаш, балки, замин ва пойдеворларни кучайтириш ишларини ҳам амалга оширилиши лозим бўлади.

Бино конструкцияларини синчилаб текшириш

Асбоб-ускуналар ёрдамида синчилаб текшириш қўйилган топшириқдан, лойиҳавий-техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўлалигидан, дефект ва шикатланишларнинг тафсилоти ва даражасидан келиб чиқсан ҳолда *тўлиқ ёки маҳаллий аҳамиятга* эга бўлади.

Тўлиқ текширув қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлмагандан;
- конструкцияларнинг мустаҳкамлигини пасайишга олиб келувчи дефектлар аниқланганда;
- бинода юкларнинг ортиши билан боғлиқ реконструкция ишларини бошлашдан олдин (жумладан, қаватлар бўйича реконструкция ишларидан олдин);
- қурилиши тугалланмаган бинонинг охирги уч йил давомида консервация ишларисиз қолиб кетиб, сўнгра унда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришдан олдин;
- бир хил типдаги конструкцияларда материал таркибининг турличалиги аниқланганда, агрессив муҳит таъсирида ёки техноген жараёнлар таъсири остида эксплуатация шароитининг ўзгариши ва ҳ.к.

Маҳаллий аҳамиятга эгабўлган текширув қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- алоҳида конструкцияларни текшириш зарурияти түғилганда;

• түлиқ текширув ўтказиш имконияти чекланган хавфли жойларда.

Агарда түлиқ текширув жараёнида танланган 20дан ортиқ конструкциянинг камида 20 таси қониқарли ҳолатда деб топилиб, қолганларида дефект ва шикастланишлар бўлмаса, бу ҳолда қолган конструкцияларда танлаш асосида (маҳаллий) текширув ўтказиш кифоя қиласи.

Синчиклаб текширишда қуйидаги асосий конструкциялар текширилиши лозим [3]:

- пойдеворлар, ростверк ва пойдевор тўсинлари;
- девор, устунлар;
- оралиқ ва том ёпма конструкциялари (жумладан: тўсинлар, аркалар, стропил ва стропил ости фермалари, плиталар, прогонлар);
- кран ости тўсин ва фермалар;
- боғловчи конструкциялари, бикирлик элементлари;
- тақалиш чоклари, тугунлар, биримлар ва таянч майдончалари.

Бино конструкциясининг техник ҳолати бўйича категориялаштириш, кузатув-текширув ишларидан сўнг қайта ҳисоблашлар натижасида 3.5п. да келтирилган 5 та гурӯҳ бўйича туркумланади.

Бино ва иншоотларни кузатув-текширув ишларини олиб борища уларни зилзилавий таъсирлар омилини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим:

- Сейсмик микротуманлаштириш (СМТ) харитаси бўйича қурилиш майдончасининг ҳисобий зилзилавий кўрсаткичи (СМТ хариталари мавжуд бўлмаган ҳоллардасейсмиклигитуманнинг сейсмиклигига қараб муҳандислик-геологик изланиш натижалари асосида грунтнинг сейсмик хоссаларига кўра баҳоланади);
- Зилзилавий таъсирларнинг даврийлиги (такрорланувчанлиги);
- Зилзилавий таъсирларнинг спектрал таркиби;
- Зилзилавий таркиб бўйича грунтлар тоифаси.

Республикамизда соҳадаги мавжуд муаммолар нималардан иборат ?

Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолашда замонавий усувлардан фойдаланиш.

Бу авваломбор, текширув ишларини олиб борища бузмайдиган усувларни қўллаш билан боғлиқ. Бундай синовлар конструкциянинг ҳам статик ҳам динамик таъсирлар остида юкланишида ўтказилиши мумкин. Бундай ишлар мажмуасининг ўтказилиши объектнинг геометрик параметрлари (оралиқ, қалинлик, баландлик...)ни, материалларнинг мустаҳкамлик ва структуравий таркибини, бетоннинг ҳимоя қатламини, арматураларнинг жойлашувини, элементларнинг эгилиши ва деформацияланишини, кўчишларнинг динамик амплитудаларини, конструкциянинг тебранишлар даврини, алоҳида нуқталарнинг тезланишини ва х.к. аниқлашдан иборат.

Мисолларни келтиринг ва муҳокама қилинг.

Назорат саволлари:

1. Биноларда кузатув текширув ишлари қандай кетма-кетлика амалга оширилади?
2. Кузатув-текширув ишларини олиб бориш учун тайёргарлик босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
3. Дастрлабки (бевосита) кузатув-текширув ишлари босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
4. Синчиклаб (асбоб-ускуналар ёрдамида) кузатув-текширув ишлари босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
5. Бузувчи ва бузмайдиган усуллар нима?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.
2. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
3. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.
4. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниқлаш. Ўқув кўлланма. ТАҚИ, 2014.
5. ҚМҚ 2.01.15-97. Турар-жой биноларида кузатув-текширув ишларини олиб бориш йўриқномаси;
6. ҚМҚ 2.01.16-97. Турар-жой биноларининг жисмоний эскиришини аниқлаш қоидалари.

4-мавзу: Турар-жой фондида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари. Техник эксплуатация. Турар-жой фондида кўриклар ва таъмирлар тизими. Уларнинг ўз вақтида ўтказилиши - уй-жой фондини умрбоқийлигини таъминлаш кафолатидир.

Ишдан мақсад: Турар-жой биноларини таъмирлаш бўйича муаммоларни ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Техник эксплуатация. Турар-жой фондида кўриклар ва таъмирлар тизими. Таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилиши. Уй-жой фондини умрбоқийлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш.

Жорий ва капитал таъмирлашнинг бинонинг умрбоқийлиги учун аҳамияти.

Техник эксплуатация бўйича тадбирлар асосини тавсифи ва ҳажми турлича ишлар бўлган жорий ва капитал таъмирлар ташкил этади. Жорий таъмир мобайнида конструкцияни атроф-мухит таъсиридан ва вақтидан илгари эскиришидан сақловчи ишлар бажарилади. Капитал таъмир мобайнида эса жисмоний эскириш натижасида йўқотилиши содир бўлган элементлар ва муҳандислик тизимларининг эксплуатацион хусусиятларини тиклаш амалга оширилади. Шундай қилиб бино ва иншоотлар уларга қўйиладиган конструкциявий, технологик, бадиий-эстетик ва эксплуатационталаблар риоя этиш бино ва иншоот қисмларини ва умуман ўзларини узоқвақт, ҳар холда уларнинг меъёрий хизмат муддатидан кам бўлмаган давр мобайнида, ишонарли ва тўхтовсиз ишлашини таъминлайди.

Хозирги кунда республикамизда 70-80 йиллик эксплуатация муддатини ўтаган туарар-жой бинолари ҳам мавжуд. Улар қурилган пайтда меъёрий ҳужжатлар, худудларнинг зилзилавий кўрсаткичлари ҳозирги кунда амалда бўлган меъёрлардан тубдан фарқланади. Бу биноларда жисмоний емирилиш билан бир қаторда маънавий емирилиш даражаси жуда юқори бўлиб, уларни тўлиқ бартараф этиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Зилзилавий хавф таҳди迪, ташқи фасаднинг атроф муҳит билан уйғун эмаслиги, ички режанинг, қулайликларнинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги нуқтаи назаридан бундай биноларни тўлиқ техник кўриқдан ўтказиб, зарурий чоралар кўриш талаб қилинади. Сабаби, шундай бир давр келадики, бинолар, иншоотларнинг асосий конструктив элементлари оммавий равишда ўзларининг жисмоний имкониятлари чегарасига якинлашади. Буни конструктив элемент даражасида чегаравий ҳолатлар талабларига жавоб бера олмай қолиши билан изоҳласак, бино ёки иншоот даражасида уларнинг “умри”ни узайтириш шунчаки, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб қолади. Буни мисол тариқасида шундай изоҳлаш мумкин. Тошкент шаҳрида 1966-йилги зилзиладан сўнг оммавий равишда қурилган жуда катта ҳажмдаги туарар-жой биноларининг том қопламалари конструкциялари аллақачон ўзининг хизмат муддатини ўтаб, бугунги кунда яроқсиз ҳолатга келган. Аксарият туарар-жой биноларида том қопламаси қисмида муаммо бор. Мустаҳкам замин билан том қоплама эса бинонинг узоқ давр ишончли эксплуатациясининг таъминланган гарови эканлигини биламиз. Маҳаллий ҳокимиётлар, ёхуд ширкатлар томонидан бу ҳажмдаги капитал таъмирлаш ишларини бажаришга амалда имкониятлари йўқ. Биргина том қопламасини капитал таъмирлаш бўйича шундай муаммо бўладиган бўлсаю, гап бинонинг

асосий конструкцияларининг жисмоний захираси ҳақида борса, вазиятни тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу муаммо қандай ечилиши зарур, бу борада қандай инновацион ғоялар зарур бўлади?

Бино қисмларининг хизмат муддатининг турлича бўлиши таъмирларни режалаштиришда қийинчилик тўғдиради. Масалан зинанинг хизмат муддати 100 белгиланган бўлиб, 1 ёки 2 капиталлик гурӯхга мансуб биноларда уни алмаштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди.



ВІДЫ РАБОТ ПО КАПИТАЛЬНОМУ РЕМОНТУ



Эксплуатацидаги биноларни кузатув-текширув ишлари натижасида қўйидаги нормативларни тавсия қиласиз: бинонинг юк кўтарувчи элементлари $t = 1$; ажратувчи деворлар, ёғоч материаллар, паркет поллар, фасад қопламалари $t = 0,5$; линолеумли поллар (турига қараб) $t = 0,1\text{--}0,2$; қатламли том қопламалар: изол $t = 0,1$, рувероид $t = 0,02\text{--}0,03$; ички ва ташқи пардоз (буёқ) $t = 0,05$ (уточнить).

Бундай меъёрлар мавжуд бўлганда мазкур умрбоқийлик категориясидаги биноларни лойиҳалашда бинонинг хизмат муддатига мос бўлган элементларни танлаш имконияти бўлади. Бунинг учун эксплуатация мобайнида турли таъсирлар остида конструкцияларнинг турлари бўйича уларнинг ҳақиқий хизмат муддатларини аниқлаш зарурдир.

Мисол. З-капиталлик синфига мансуб бино лойиҳаланмоқда. Унда меъёрий хизмат муддати 3 турдаги: $t_1 = 25$ йил; $t_1 = 45$ йил; $t_1 = 70$ йил бўлган ажратувчи деворлар қулланилиши назарда тутилган. Мос равишда нисбий кўрсаткич $t = t_{эл}/T_{бино}$ - $t_1 = 0,25$; $t_2 = 0,45$; $t_3 = 0,7$ ни ташкил этади.

2.2-жадвал бўйича меъёрлаштириш бўйича ажратувчи деворлар 2-гурухга мансу бўлиб, $t = 0,5$. Бунга кўпроқ 2-тур ажратувчи девор ($t_1 = 45$ йил) тўғри келади. Агарда 3-тур ажратувчи девор қабул қилинса, у ҳолда уларни алмаштиргандан сўнг улар ўзларининг хизмат муддатини ярмини ўтайди. Бу ерда бир хил турдаги элементларни алмаштириш ҳолати қаралмоқда. Айтайлик, қолган эксплуатация муддати учун умрбоқийлиги кам бўлган материалдан фойдаланиш мумкин, бироқ унинг техник кўрсаткичлари ёнгин хавфсизлиги ва бошқа талаблар бўйича мазкур бино капиталлик синфига тўғри келмаслиги мумкин.

2-мисол. Тураг-жой бинолари ички пардозида сувоқ қопламасининг тавсия этилган меъёрий хизмат муддати 60 йил [З-илова, ҚМК 1.04.03-98]

бўлиб, квартиralар ичидаги электр тармоғининг ёпиқ турдаги таъминоти учун эса тавсия этилган меъёрий хизмат муддати 40 йил [З-илова, ҚМҚ 1.04.03-98] ни ташкил этади. Электр тармоғининг ёпиқ турдаги симларини ўз вақтида алмаштириш учун сувоқ қисмини бузишга тўғри келади. Меъёрий хизмат муддати бўйича сувоқнинг тахминан 34% заҳираси ишлатилмасдан қолмоқда....

Кўп квартирали тураг-жой биноларининг тўлиқ капитал таъмирлашнинг яна бир мураккаб жиҳати шундаки, ҳар бир квартиранинг ўзини мулқдори бўлиб, квартира ичидаги конструкциялар, элементлар ва инженерлик жиҳозлари мулқорнинг имкониятидан келиб чиқсан ҳолда жорий ва капитал таъмирланади. Шунинг учун кўп квартирали тураг-жой биноларини капитал таъмирлаш деганда, фақатгина умум фойдаланишдаги қисмлар: бинонинг фасади, томи, ертўласи, инженерлик тармоқларининг ҳам умумфойдаланишдаги қисмлари назарда тутилиб, квартиралар ички қисми бундан мустаснодир. Квартира ичидаги конструкциялар, элементлар ва инженерлик жиҳозлар эса битта кўп квартирали тураг-жой биносининг ўзида турли даражадаги жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириш даражасидадир. Бу кўпроқ инженерлик жиҳозларига тегишли бўлиб, уларнинг эскириши даражаси бутунлай бинога ҳам маълум даражадаги хавфни юзага келтирса (ёнғин, портлаш...), баъзилари хонадонлардаги санитар-гигиеник ҳолатни издан чиқаради (ортиқча намланиш ва шамоллатиш тизимларининг ишдан чиқиши билан чириш, моғорлаш, занглаш, хонадаги ҳарорат-намлик маромининг издан чиқиши).

Биз томондан ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатадики, капитал таъмирлаш [ҚМҚ 1.04.03-98, 38-бет] бўйича биноларнинг вазифаси ва эксплуатация муҳитига нисбатан ҳар 8-20 йилда ўтказилиши кўзда тутилиб, бунда мазкур ҳужжатнинг 2-3 иловасига кўра баъзи конструкциялар ва материаллар ўз хизмат муддатини тўлиқ адо этмайди ва бу нарса иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Худди шундай, собиқ иттифоқ давридаги ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда белгиланаётган қурилиш материалларининг хизмат муддатларини республикамизнинг ўзига хос иқлим кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ қайта кўриб чиқиш, янги кириб келаётган материалларнинг хизмат муддатларини нормаларга киритиш зарурияти пайдо бўлди ва бу масала тураг-жой биноларини капитал таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишида жуда муҳимдир.

Республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, шу соҳада олинган янги маълумотлар, янгиликлардан фойдаланган ҳолда, қулланилаётган янги қурилиш материалларини ва пардоз ишларини юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатларга киритиш билан қайта ишлаш ва бойитиш зарурдир.

Назорат саволлари:

1. Туар-жой биноларининг таъмирлар тизимиға нималар киради?
2. Туар-жой биноларида жорий таъмирлаш ишларининг мақсади нимадан иборат?
3. Туар-жой биноларида капитал таъмирлаш ишларининг мақсади нимадан иборат?
4. Туар-жой биноларида комплекс капитал таъмирлаш ишларини ташкил этишнинг ўзига хос муаммолари нимадан иборат?
5. Таъмирлаш тизими ким томонидан назорат қилиниши керак?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.
2. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
3. Кўп хонадонли уй-жой фондларининг техник ҳолатлари бўйича ўтказилган хатлов натижалари, ушбу жараёнда аниқланган камчилик, муаммо ва қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда уларнинг бартараф этиш юзасидан “Уйжойфондинспекцияси” томонидан кўрилган чоралар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси маълумоти. Тошкент, 2019й, апрель.
7. ҚМҚ 1.03.03-97. Туар-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни капитал таъмирлашга лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишиш ва тасдиқлаш Йўриқномаси;
8. ҚМҚ 1.04.02-97. Туар-жой биноларини капитал таъмирлаш;
9. ҚМҚ 1.04.03-98. Туар-жой бинолари, коммунал ва ижтимоий-маданий аҳамиятдаги объектларда реконструкция, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича Низом;
9. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.
10. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниқлаш. Ўкув қўлланма. ТАҚИ, 2014.

5-мавзу: Туар-жой масканларининг реновацияси. Энергетик санация. Хорижий тажрабалар. Туар-жой фондида реконструкцияси, модернизацияси, қайта тиклаш, кучайтириш ишлари. Туар-жой фондида энергетик санация, энергетик сертификация тизими, хорижий тажрибалар.

Ишдан мақсад: Туар-жой масканларини реновацияси муаммоларини ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Энергетик санация. Туарар-жой фондида реконструкцияси, модернизацияси, қайта тиклаш, кучайтириш ишлари. Туарар-жой фондида энергетик санация, энергетик сертификация тизими, хорижий тажрибалар.

Бино ва иншоотларни реконструкция қилиш

Бино ва иншоотларни реконструкция қилишнинг мақсади ўзига хос жиҳатларидан бири янги қурилишга нисбатан қурилиш таннархининг анча арzonлашувидир. Эски қурилиш фондининг реконструкция орқали эксплуатация муддатини узайтириш, ва ундан мақсадли фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади. Албатта, бу борада ҳам мутахассислар фикри муҳим. Бинонинг асосий конструкцияларининг ҳолати, бинонинг капиталлиги, мустаҳкамлик, бикрлик ва устиворлик кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади. Бино ва иншоотларни реконструкцияси маҳсус лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқладиган реконструкция лойиҳалари асосида амалга оширилади. Реконструкция қилинаётган биноларнинг лойиҳа топшириғи бўйича вазифаси ўзгариши мумкин. Конструкциялар ўрнига уларни ўрнини босувчи янги конструкциялар, бинонинг умумий режавий схемаси ҳам ўзгариши мумкин. Бироқ буларнинг барчаси амалдаги меъёрларга, техник талаблар доирасидан чиқмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Реконструкция – бу иншоотларнинг, қурилмаларнинг, объектларнинг алоҳидаги элементларини параметрларини мақсадли равишда ўзгартиришга қаратилган фаолият (баландлигини, қаватлар сонини ва ҳ.к.).


Бино ва иншоотларни модернизация қилиш

Бино ва иншоотларни модернизация қилишнинг мақсадининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам янги қурилишга нисбатан қурилиш таннархининг анча арzonлашувидир. Эски қурилиш фондининг замон талабларида қайта қуриш, унга барча кулайликлар, меъморий ечим, интеръер, инженерлик тармоқларининг замонавий, кам сарфли бўлиши ва бошқалар орқали бинонинг кейинги эксплуатация ҳаражатларини қисқартиришга эришиш лозим. Бино ва иншоотларни модернизацияси ҳам маҳсус лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқладиган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

Бино ва иншоотларни санацияси.

Санация сўзи қурилишда янги термин ҳисобланиб, уннинг мазмуни эскирган қурилиш фонди бўйича бино ва иншоотларнинг барча техник кўрсаткичларни замон талабларига, амалдаги нормалар талабига мослаш тушунилади. Санацияга режа асосида бинолар туширилади ва режа асосида уларда қайта қуриш ишлари амалга оширилади. Бу бугунги кунда асосан биноларни энергия тежамкор жиҳозлар билан ускуналаш, капитал таъмирлаш ишларида бино деворларини энергия тежамкор материаллар билан ҳимоя

күрсаткичларини ошириш, биноларнинг энергетик паспортларини ташкил этиш, уларда энергоаудит ишларини ўтказиш ва шунга мос равиша зарурый чора-тадбирлар қуллаш каби ишларда намоён бўлиши лозим. .



Аслида модернизация – бу объектни амалдаги меъёrlар, кўрсаткичлар ва талабларга мос равиша яngилаш. Масалан таълим тизимини, ишлаб

чиқаришни, техника ёки автомобильни модернизациялаш мумкин.
<http://thedifference.ru/chem-otlichaetsya-modernizaciya-ot-rekonstrukcii/>

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.
2. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
3. ҚМҚ 1.04.03-98. Туар-жой бинолари, коммунал ва ижтимоий-маданий ахамиятдаги объектларда реконструкция, таъмирлаш ва техник хизмат күрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича Низом;
4. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012.
5. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниқлаш. Ўқув кўлланма. ТАҚИ, 2014.

6-мавзу: Туар-жой фондининг эксплуатациясида хавфсизлик масалалари. Биноларнинг зилзилабардошлиги. Ёнгин хавфсизлиги, туташ худудлар ободончилиги. Туар-жойларга қуйиладиган санитар-техник талаблар.

Ишдан мақсад: Туар-жой биноларини хавфсиз эксплуатациясини таъминлаш муаммоларини ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Биноларнинг зилзилабардошлиги. Ёнгин хавфсизлиги, туташ худудлар ободончилиги. Туар-жойларга қуйиладиган санитар-техник талаблар.

Беш даражали шкалали баллар кам талафотли бўлганлиги сабабли 6 баллдан 12 баллгача бўлган зилзиланинг ахамиятини ўрганиш талаб қилинади. Бунинг учун қуидаги ҳолатлар кўриб чиқилади:

Ер силкиниш кучининг хусусиятлари ер силкиниш кучига қараб қуидаги ҳолатлар кузатилади [24]:

1 балл – сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайд қиласди;

2 балл – жуда кучсиз, уй ичидаги ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди);

3 балл – кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очик жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста-секин тебранади;

4 балл – ўртacha сезиларли. Очик жойда, бино ичидаги турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллади. Рўзгор анжомлари тит-

райди, осилган жисмлар тебранади;

5 балл – анча қучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлик чайқалиб тўкилади, осилган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади;

6 балл – қучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидаги китоблар, рўзгор буюмлари, жавонлардаги идишлар ағдарилиб тушади;

7 балл – жуда қучли. Кўпчилик одамларни қўрқув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобиль ҳайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ҳовузлардаги сув чайқалади ва лойқаланади.

8 балл – бузувчи. Ҳом ғиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайронага айланади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дараҳтлар бутун танаси билан йиқилади, синади, тоғлик жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.

9 балл – вайрон қилувчи. Ер қимирлашига бардош берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10 балл – яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости инженерлик қувурлари узилиб кетади, чўкиш ҳодисалари юз беради. Сув ҳавзалари тўлқинланиб кирғоққа урилади, қояли ён бағирларда катта-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади.

11 балл – фожеали. Ҳамма иморатлар деярли вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.

12 балл – ўта фожеали. Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Зилзилага қарши (антисейсмик) турли чоралар қўлланилмаган иншоот ва бинолар қўйидагича туркумланади: А – тошдан терилган бино, қишлоқ қурилишлари, ҳом ғишт ва пахса уйлар; Б – оддий ғишт уйлар, йирик панелли ёки тарошланган тошдан қурилган бинолар.

Бузилиш тоифалари:

1 – дараҷали енгил бузилишлар: сувоқларда сезилмас ёриқлар ёки кичик жойларнинг тушиб кетиши кузатилади;

2 – дараҷали ўртача бузилишлар: деворда кичик ёриқлар ва сувоқнинг катта бўлаклари тушибиши, том мўриларида ёриқларнинг пайдо бўлиши ёки йиқилиши кузатилади;

3 – қучли бузилишлар: деворларда катта ва чукур ёриқларнинг пайдо бўлиши, мўриларнинг йиқилиши кузатилади;

4 – даражали бузилишлар: деворларда синишлар, биноларнинг алоҳида қисмларида қулаш, ички деворларнинг қулаши кузатилади;

5 – кучли бузилишлар: бино бутунлай бузилади.



6.1-расм. 2011-йилда Японияда бўлган зилзила оқибатлари.

2011 йил, 11 март куни Япониядаги зилзила тарихда энг даҳшатли зилзилалардан бири бўлди (6.1-расм). Унда 16 мингдан ортиқ инсонлар нобуд бўлди. Фукусимо атом электр станцияси жиддий шикастланди ва вайронгарчиликлар оқибатида умумий келтирилган зарар 300 млрд дол. атрофида ҳисобланди.

Қўйида инсоният тарихида юз берган янг даҳшатли зилзилардан мисоллар келтирамиз (6.1-жадвал) [24]:

6.1-жадвал

Тарихда содир бўлган энг даҳшатли зилзилалар хақида маълумот						
№	Йил	Сана	Давлат	Эпицентр	Зилзила кучи (балларда)	Қурбонлар сони (киши)
1	1202		Сурия			1 000 000 дан ортиқ
2	1556	2 феврал	Хитой	Шэнъси вилояти		830 000
3	1737		Хиндистон	Калькутта		300 000
4	1755		Португалия	Лиссабон		80 000
5	1923	1 сентябрь	Япония	Токиодан 90 км узоклиқда	8.3	174 000*
6	1939	24 январь	Чили	Консепсьон	8.8	30 000
7	1939	27 декабрь	Туркия	Эрзинжан	8.0	100 000
8	1948	6 октябрь	Туркманистон	Ашхобод	9.0 - 10.0	110 000
9	1950	15 август	Хиндистон	Ассам	9.0	30 000
10	1960	29 февраль	Марокко	Агадир	5,9	12 000
11	1960		Чили	Вальдивия		150 000 дан

						ортиқ
12	1970	5 январь	Хитой	Юньнань	7.7	15 621
13	1970	31 май	Перу	Чимботедан 25 км узоклика	7.7	67 000
14	1976	4 февраль	Гватемала	Пойтахтдан 160 км узоклика	7.5	23 000
15	1976	28 июль	Хитой	Хэбэй вилояти-Тяньшань	8.2	230 000*
16	1978	16 сентябрь	Эрон	Тебес	7.8	25 000
17	1985	19-20 сентябрь	Мексика	Мехико	8.1	25 000
18	1988	7 декабрь	Арманистон	Спитак	6.9	25 000
19	1990	21 июнь	Эрон	Филон	7.7	40 000
20	1993	30 сентябрь	Ҳиндистон	Махараштра	6.0	10 000
21	1999	17 август	Туркия	Измит	7.4	17 000
22	2001	26 январь	Ҳиндистон	Бхудж	7.7 - 7.9	20 000
23	2003	26 декабрь	Эрон	Бам	6.3	35-70 000
24	2004	26 декабрь	Индонезия	Суматра ороллари	9.1 - 9.3	230 000
25	2005	8 октябрь	Покистон	Кашмир	7.6	84 000
26	2008	12 май	Хитой	Сычуань	7.8	69 000
27	2010	12 январь	Гаити	Порт-о-Пренсдан 22 км узоклика	7.0	232 000

Эслатма:

* - тасдиқланмаган маълумотлар: курбонлар сони бундан ҳам юқори бўлиши мумкин

Зилзилада инсонлар қурбон бўлиши билан биргаликда жуда катта моддий зарар етказилади. 1988 йил 7 декабрда Арманистонда юз берган зилзила оқибатида 25 минг киши нобуд бўлган бўлса, 8 млн. кв.м турар-жой йўқ бўлиб кетган, 514 минг киши бошпанасиз қолган. Вайронгарчиликлардан 15250 киши қутқарилган. Ер силкиниши 4 та катта шаҳарни – Ленинакан, Кировокан, Спитак ва Степанаван ҳамда 58 та турар-жой пунктларини қамраб олган. Шулардан 1500 та қишлоқ вайрон бўлган, 12 та шаҳар шикастланган, улардан 3 таси батамом йўқ бўлиб кетган. Булардан ташқари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари деярли издан чиқкан, автомобиль ва темир йўлларнинг кўп қисми, алоқа, кўприклар яроқсиз ҳолга келган.

Бино ва иншоотлар зилзилага чидамли бўлиши учун зилзилага қарши маҳсус чора-тадбирлар, хусусан, зилзилага қарши маҳсус камарлар қулланилади. Бу белбоғлар темир-бетондан ишланиб, қаватлар ва деворлари орасига вертикал ва горизонтал ҳолатда ўрнатилади. Иморатларнинг зилзилага бардош бериши фақат унинг қурилмасига ва зилзилага қарши қўлланилган чораларигагина эмас, балки бино ёки иншоотнинг режадаги тарҳи шаклига, қурилиш материалларига ва қурилиш ишларининг сифатига кўпроқ боғлиқ. Масалан, Арманистонда (1988 йил) жуда кўплаб иморатлар сифатсиз бунёд этилганлигига сабабли улар қулаг тушган бўлса, Тошкентда (1966 йил) кўпроқ хом ғиштдан қурилган уйлар заарланган.

Биноларнинг зилзилага қай даражада бардош бериши, ишлатилган қурилиш материалларининг сифатига ва уларнинг ишлаш усуулларига ҳам боғлиқ. Гишт орасига ишлатиладиган аралашма сифатли бўлмаса, гишт сувга солмасдан терилса, девор чоклари бир-бирига яхши ёпишмайди. Чунки қуруқ гишт қориshmадаги сувни тез тортиб олади, натижада қориshma ёпиштириш хусусиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам зилзилали жойда гишт сувга бўктирилгандан кейин терилиши керак.



6,2-расм. 1988 йилда Арманистоннинг Спитак, Кировакан, Ленинакан ва Степанаван шаҳарларида содир бўлган зилзила оқибатлари.

Зилзила пайтида ер ости инженерлик коммуникациялари (телефон, электр кабеллари, сув ва газ қувурлари ва ҳ.к.) ҳам қаттиқ шикастланади. Шунинг учун ҳам зилзила бўладиган жойларда қувурлар қурилмасига

сильфон компенсаторлари қўйилади. Қўйидаги 6,2-жадвалда қувурларни зилзиладан сақлаш чора-тадбирлари берилган [24].

6,2-жадвал

Қувурларнинг зилзилага қаршилигини ошириш бўйича чора-тадбирлари

Чора-тадбирлар		Қурилмавий ечим
Айрим жойларда тупроқнинг хусусиятларини яхшилаш	1	Жойнинг сувини қочириш
	2	Номустаҳкам тупроқни мустаҳкамига алмаштириш (1 метргача)
	3	Тупроқнинг устки қисмини шиббалаш (сугориш)
	4	Тупроқ устки қатламини силикатлаш, сувдан ҳимоялаш қоплама билан мустаҳкамлаш
	5	Тупроқни алмаштириш
Трассани танлаш	1	Зилзилага қарши кучли тупроқ қатлами танланади
	2	Юмшоқ тупроқ қатламлари айланиб ўтилади
	3	Сув чиқадиган жойлар айланиб ўтилади
Қувур тармоғининг юмшоқлиги	1	Ўзини компенсация қилувчи тизимни ишлатиш
	2	Қувур тармоқларнинг таянчларида нисбатан эркин силкинишини таъминлаш
	3	Ҳандақларни ясси ҳолда ковлаш
Ер юзасида жойлашган қувурлар таянчининг мустаҳкамлигини ошириш	1	Яхлит темирбетонли таянчлар ўрнатиш
	2	Ром шаклидаги қурилмаларни кўллаш
	3	Таянчларда қувурларнинг тушиб кетмаслиги учун ушлагичлар қўйиш
Қувурлар ҳаракатини сўндириш	1	Турли хил йириклидаги ҳаракатни сўндирувчиларни кўллаш
	2	Зилзила таянчлар кўллаш
Қувурларнинг ковшарланган жойларини мустаҳкамлаш	1	Ковшарланишга мойил ва пластик хусусиятларга эга материалларни танлаш
	2	Қувурларни зичловчи резина ва полимер ҳалқаларни кўллаш
	3	Кичик диаметрдаги (150 мм гача) қувурларга қўшимча муфталар қўйиш
Қувурларнинг бир-бирига қўшилган жойини ва уйларга киргизиша мустаҳкамлигини ошириш	1	Компенсация қилувчи бўлакларни қўшиш (жумладан, сильфон компенсаторлар)
	2	Сальник боғловчилардан фойдаланиш
	3	Уйлардаги қувурларнинг кирадиган жойларини қувур диаметрига нисбатан 30-40 см каттароқ колдириш

Зилзилавий худудларда ер ости қувур тармоқларини режалаштириш учун ер танланганда зилзила кучи 9 баллдан ортиқ нотекисликлардан, 2 тоифага мансуб чўкувчи грунтлардан, фойдали қазилмалар ишланаётган, тектоник ҳаракатлар жадал ҳудудлардан фойдаланмаслик тавсия этилади.

Айникса портлаш, ёнғин, кучли таъсир этувчи жараёнлар ва моддалар билан боғлиқ бўлган тармоқларни тез ўчириш қурилмаларини конструктив ечимларини кўзда тутиш, ўчириш қурилмаларини эса мумкин бўлган бузилиш зонасидан ташқарида режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Сейсмик тафсилотлари бир-биридан буткул фарқланадиган грунтли жойларда силжиш хавфи эҳтимоли мавжуд ва қувурларнинг узилиши мумкин жойларда қувурларни ҳаракатчанлигини чекловчи ҳолатлар - тармоқдаги эгишлар сонини, тарқатиш, арматура ва турли аксессуарлар сонини чеклаш зарур. Мумкин қадар силжиш ва қувур тармоғига нисбатан кундаланг хосил бўлувчи қўчиш мавжуд жойларда пластик қувурлардан

фойдаланмаслик, зарурият тўғилганда эса уни ҳисоб-китоб билан асослаш керак.

Магистрал қувур тармоғининг зилзилага қарши таъминоти қўйидагилар орқали таъминланган бўлиши лозим:

- трасса ва қурилиш майдонлари зилзилавий нуқтаи назардан мақбул худудлардан танлаш;
- илғор конструктив ечимлар ва зилзилага қарши чора-тадбирларни куллаш;
- қувур тармоғини мустаҳкамлик ва устиворликка ҳисоблашда қушимча заҳира билан таъминлаш ва ҳ.к.

Одатда, қоида бўйича коммуникация тармоғини асосий функциясини бажариш учун электр тармоғи учун заҳирадаги манбалари кўзда тутилиши зарур.

Магистрал қувур тармоғининг чизиқли қисмини ва тармоқдан ажralувчи шохобчаларни ҳисоблашда 6 баллик зоналарда ер сирти ва ер устидаги тармоқлар учун, 8 балдан ортиқ зоналарда эса ер остки тармоқлар учун зилзила таъсирини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур норма талабларининг бошқа қисмларига жойлашишидан қатъий назар 6 балдан юқори туманлар учун риоя қилиниши зарурдир.

1000мм дан катта диаметрли магистрал қувур тармоқлар учун, бундан ташқари магистрал қувур тармоқларининг дарё ва бошқа тўсикларни кесиб ўтган ҳолларда зилзила пайтида қувур тармоғининг ҳамда ён-атрофдаги грунт массасининг тебранишларини ёзиб олувчи мухандислик-сейсометрик станциялар кўзда тутилиши зарур.

Қувур тармоғи ер остида режалаштирилганда замин грунтини зичлаш лозим. Сунъий замин тайёрлашда грунтни арматуралаш ва бошқа усуллар қулланилади.

7,8 ва 9 балли зоналарда йўлларни трассалашда мухандислик-геологик жиҳатдан ўта нокулай худудларни айланиб ўтиш тавсия этилади.

7,8 ва 9 балли зоналарда қиялиги 1:1.5 дан ортиқ тошлоқсиз нишабликларда қаттиқ қопламали йўлларни трассалаш мазкур қияликнинг зилзилавий барқарорлиги бўйича олинган маҳсус мухандислик-сейсмологик тадқиқотлар хулосаси асосида руҳсат берилади.

Шаҳар қурилиши учун жой танлаганда тузилган микросейсмик харитадан фойдаланиб, имкони борича ахолини зилзила қучи кам бўлган ерда жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бунда турли нишабликлардаги кўчки ва ағдарилмаларни ёки дарё, кўл суви босмайдиган майдонларни ҳисобга олиш шарт.

Қурилиш майдончасини қўшни қурилишдан етарли даражада узоқда ва сув омбори сатҳидан баланд бўлишига эътибор бериш керак. Пойдевор асосидаги тупроқнинг бир хил жинсли бўлиши ҳам аҳамиятга катта.

Танланган биноларда тик ва ётиқ режа мутаносиблигининг таъминланиши пойдевор асосига бир хилда оғирлик кучини туширади. Бунда ётиқ режада Г, П, Т шаклидаги биноларни танламаслик керак, чунки улар зўриқиши пайтида бўлиниб кетади. Бу нарса қурилиш элементларига ҳам тааллукли бўлиб, қурилмаларнинг енгил бўлиши зилзила кучини камайтиради. Шу сабабдан иморатларнинг юқори қаватлари енгиллаштириб борилади.

Уйлар пойдевори сатхининг бир хил бўлишини таъминлаш ва қурилмаларнинг бир-бири билан мустаҳкам бирикуви мавжуд ҳолида боғланиши лозим. Ташқи деворлар ҳам бир-бири билан мутаносиб равишда жойлаштирилади ва ушловчи элементларга мустаҳкам қилиб бириктирилади. Уларнинг бикрлиги қўндаланг боғловчилар билан таъминланади.

Биноларнинг бурчакларида иложи борича деразаларнинг ўрни бўлмаслиги лозим.

Ёнғиндан эҳтиёт чораси сифатида асосий шамол йўналишини ҳисобга олиш керак, яъни биноларни бу йўналишда бир-биридан узоқ масофаларда жойлаштириш керак.

Зилзилавий фаол ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур. Яъни шаҳар қурилишида иморатларнинг баландлигига ва шаклига катта талаблар қўйилади, улар қуйидагилардан иборат:

- ◆ шаҳар ҳудудида катта-катта очиқ майдонларнинг бўлиши, яъни силкиниш содир бўлган тақдирда ва ундан кейин одамларнинг яшами учун енгил қурилмалар қуриш учун хавфсиз жой зарур;

- ◆ сув ҳавзаларининг бўлиши, яъни зилзила вақтида чиқиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчириш мақсадида фойдаланиш учун сув заҳирасига эга бўлиш;

- ◆ иншоотлар орасидаги масофа, иншоот баландлигидан 1,5-2 марта узоқ бўлиши, чунки иморат талафот кўрганда бир-бирига таъсир қилмаслиги керак.

Иншоотлар ер силкинишига бардош бериш хусусиятига кўра 3 гурухга бўлинади:

- А – 7 баллгача чидайдиган кучсиз зилзилавий чидамли уйлар. Бунга лой-тупроқдан, ғиштдан қурилган уйлар киради.

- Б – 8 баллгача чидайдиган уйлар. Бу хилдаги уйлар ҳар хил ёғоч каркаслардан тайёрланади (синчли уйлар).

- В – 9 баллгача чидайдиган зилзилабардош бинолар. Бу хилдаги биноларга катта металл каркаслардан тайёрланадиган, темир-бетон қурилмалардан қурилган иншоотлар киради.

Туташ худудлари муаммоси

Кучмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонdlаридан фойдаланиш ва уни сақлаш соҳасида йўл қўйилган жами 185353 та камчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган [10], жумладан:


- уй-жой фонdlарида ўзбошимчалик билан барпо этилган ноқонуний бинолар сони – 62501 та;
- ертўла қисмидан фойдаланишда камчиликлар аниқланган уй-жой фонdlари – 2584 та;
- уй-жой фондига туташ худудлардаги камчилик ва муаммолар сони – 111387 та;
- нотурар-жойлардан фойдаланиш бўйича қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган уй-жой фонdlари сони – 8881 та.

Кўп хонадонли турар-жой биноларига туташ худудлардаги камчилик ва муаммолар бўйича жами 111387 та ҳолат аниқланган бўлиб [10], улар бўйича маълумот қўйидаги 6.3-жадвалда келтирилган:

6.3-жадвал

№	Камчиликлар ва муаммолар номи	Сони, дона	Кўпхонадонли уйларнинг жами сонига нисбатан, %
1	Болалар майдончалари мавжуд бўлмаган уйлар	14517	42,0
2	• Болалар майдончалари таъмирталаб уйлар	3622	10,5
3	• Йўлаклари таъмирталаб ҳолдаги уйлар	12123	35,1
4	Ирригация тармоқлари мавжуд бўлмаган уйлар	17373	50,2
5	• Ташқи ёритиш тизимлари таъмирталаб уйлар	16547	47,8
6	Марказлаштирилган иссиқлик тизимига уланмаган уйлар	14340	41,5
7	• Уйдаги чиқинди ташлаш шахталари ёпилган, шахта мақсадсиз фойдаланиб келинган уйлар	763	2,2
8	• Уй атрофига чиқинди ташлаш шохобчаси бўлмаган уйлар	7196	20,8
9	• Умумий фойдаланишдаги ҳожатхоналари бўлмаган уйлар	11684	33,8

1.17-расмда кўпхонадонли уй-жой фондидан фойдаланишда йўл қўйилган камчилик ва қонун бузилиш ҳолатларининг йиллар бўйича тақсимоти келтирилган бўлиб, бунда энг кўп ҳолатлар сифатида – уйларнинг балкон қисмлари турли-туман шаклда ўраб олиниши, туташ худудларнинг ноқонуний равишда ўраб олиниши, уйларнинг ички конструкцияларида ноқонуний равишда ўзгартиришлар амалга оширилганиги, уйларнинг фасад қисмларидан эшиклар очилиши, уйга туташ худудларда турли-туман қурилмалар қурилганлиги каби ҳолатларни келтириш мумкин.



1.17-расм. Кўпхонадонли уй-жой фондидан фойдаланишда йўл қуилган камчилик ва қонун бузилиш ҳолатларининг йиллар бўйича тақсимоти.

Туар-жой биноларининг туар-жой масканида эгаллаган ўрнига қараб, уфқа нисбатан жойлашуви, шамоллатиш мароми, қулайликлар ва салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳамиятини ўрганишда туар-жой қурилиши ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни яна бир бор, республикамизнинг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил этишни тақозо қиласди.

Туар-жой масканини баҳоловчи омиллар



Қулайлик:

- Масканинг шаҳарнинг бошқа ҳудудлари билан алоқаси;
- Ҳудуднинг ободонлаштириш кўрсаткичи;
- Транспорт билан таъминланганлик даражаси;
- Очик ва ёпиқ автотуаргоҳлар ва бошқа хўжалик майдонлари;
- Ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминланганлик;
- Хонадонларнинг ҳажмий-режавий тузилиши;
- Хонадонларнинг хоналар бўйича таркиби, майдонлар;
- Биноларнинг тарихий-меъморий қиймати;
- Атроф-муҳит билан уйғунлиги;
- Биноларнинг пардози;
- Инженерлик тизимлар ва жиҳозларнинг мавжудлиги ва таркиби;
- Инженерлик тизимлар ва жиҳозларнинг техник даражаси...

Капиталлик:

- Типологияси;
- Бинонинг ишончлилиги, жумладан, ишдан чиқмаслик эҳтимоли, умрбоқийлиги (жисмоний умрбоқийлик, маънавий (функционал) умрбоқийлик), таъмирталаблиги, сақланувчанлиги;

- Бинонинг хизмат муддати, жумладан, меъёрий хизмат кўрсатиш муддати, ҳақиқий хизмат кўрсатиш муддати, қолдиқ хизмат кўрсатиш муддати;
 - Ободонлаштириш элементларининг хизмат муддати;
 - Бино ва унинг элементларини жисмоний емирилиши ва эскириши даражаси;
 - Бинонинг маънавий эскириши даражаси;
 - Инженерлик тизимлари ва жиҳозларининг хизмат муддатлари;
 - Инженерлик тизимлари ва жиҳозларининг жисмоний емирилиши ва маънавий эскириши даражаси;
 - Инженерлик тизимлари ва жиҳозларининг таъмирталаблиги;

Экологик ва гигиеник софлик:

- Инсоляция;
- Табиий ва сунъий ёритиши;
- Шовқин даражаси;
- Биноларнинг товуш ўтказувчанликдан ҳимояси;
- Ҳавонинг ифлосланганлик даражаси, жумладан: газ, чанг микдори;
- Ичимлик ва техник сувларнинг яроқлилик даражаси;
- Тупроқнинг ифлосланганлик даражаси, жумладан: туз ва бошқа ёт жинсларнинг микдори;
- Аэрация мароми;
- Куёш радиацияси даражаси;
- Радиоактив ифлосланиш;
- Электромагнит нурланиш хавфи;
- Биноларда вибрация даражаси;
- Сизот сувларининг таъсири;
- Биноларда иссиқлик-намлиқ мароми;
- Ички муҳитнинг экологик софлиги....

Хавфсизлик

- Турар-жой масканининг хавфсизлиги;
- Бинонинг мустаҳкамлиги ва турғунлиги;
- Зилзилабардошлиқ;
- Портлаш хавфсизлиги;
- Ёнғин хавфсизлиги;
- Ёнғинбардошлиқ;
- Бинони атмосфера ва ғрунт намлигидан сақлаш;
- Сел, кўчки (силжиш), жарликлар, сув босиши, карст, кучли шамол ва ҳ.к.;
- Табиий жараёнлардан ҳимояланиш бўйича инженерлик тадбирлар...

Иқтисодий самарадорлик:

- Қурилишга инвестиция киритиш;
- Эксплуатация ҳаражатлари;
- Реконструкция ҳаражатлари;
- Таъмирлаш ишлари ҳаражатлари;
- Инженерлик тизимлари ва жиҳозларига ҳаражатлар;
- Энергиясамарадорлик масалалари.

Юқорида келтирилган омиллар В.Касъянов [000] ишларида батафсил ёритилган бўлиб, унда баъзи асосий омиллар эътибордан четда қолдирилган бўлса, баъзилари фақатгина республикамиз учун характерлидир. Булар,

Капиталлик гуруҳида:

- Бинонинг ишончлилиги, жумладан, ишдан чиқмаслик эҳтимоли, умрбоқийлиги (жисмоний умрбоқийлик, маънавий (функционал) умрбоқийлик), таъмирталаблиги, сақланувчанлиги;
- Бинонинг хизмат муддати, жумладан, меъёрий хизмат кўрсатиш муддати, хақиқий хизмат кўрсатиш муддати, қолдиқ хизмат кўрсатиш муддати;

Экологик ва гигиеник соғлик гуруҳида:

- Ичимлик ва техник сувларнинг яроқлилик даражаси;
- Тупроқнинг ифлосланганлик даражаси, жумладан: туз ва бошқа ёт жинсларнинг миқдори;
- Қуёш радиацияси даражаси;
- Сизот сувларининг таъсири.

Хавфсизлик гуруҳида:

- Бинони атмосфера ва ғрунт намлигидан сақлаш;
- Сел, қўчки (силжиш), жарликлар, сув босиши, карст, кучли шамол ва ҳ.к.;
- Табиий жараёнлардан ҳимояланиш даражаси ва ҳ.к.

Бу омиллар ҳозирги кунда турар-жой масканларини замонавий шаклланиши учун зарурӣ омиллардир.

Назорат саволлари:

1. Зилзиланинг кучи қандай баҳоланади?
2. Ер силкиниши кучи бўйича улар неча балли гурухдан иборат бўлади ва уларнинг ер силкиниши хусусиятларини тушунтириб беринг?
3. Шаҳар қурилишида иморатларнинг баландлигига ва шаклига зилзиланинг таъсири бўйича қандай талаблар қўйилади?
4. Зилзила ҳодисасида рўй берадиган экологик муаммоларни тушунтириб беринг?
5. Ер силкиниши оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини санаб беринг?
6. Ер силкинишини тавсифлайдиган белгилар нималардан иборат?
7. Туарар-жой йбиноларига туташ ҳудудларда қандай муаммолар мавжуд ?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1: Бино ва иншоотлар ишончлилиги.

Умрбоқийлик, хизмат муддат, қолдиқ хизмат муддати, конструкцияларнинг ишдан чиқмаслик эҳтимоли.

I. Педагогик аннотация.

Модул номи: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”.

Мавзу: Модуль мақсади ва вазифалари. Ишончлилик, умрбоқийлик, хизмат муддати турлари.

Берилган case study мақсади: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласиди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатадилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистандаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак:

Бино ва иншоотлар эксплуатациясида ишончлилик назарияси, умрбоқийлик, хизмат муддати турлари.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий холоса чақаради, маълумотларни таққослайди, танқидий холоса чиқаради, таҳлил қиласиди ва умумлаштиради.

Case study-нинг обьекти: ишончлилик назариясида умрбоқийлик параметри, хизмат муддати турлари.

Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:

“Бино ва иншоотларни эксплуатациясининг замонавий масалалари” модули бўйича адабиётлар.

Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз ҳисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Муаммолар: Бино ва иншоотлар эксплуатациясида ишончлилик назариясининг ўрни. Республикамизда жорий этилган меъёрий таъминотнинг илғор ҳорижий мамлактларда бу соҳадаги фойдаланиладиган тизимлари ?

Бино ва иншоотлар эксплуатациясида ишончлилик назариясининг кўрсаткичлари- ишдан чиқмаслик эҳтимоли; умроқийлик; таъмирталаблик; сақланувчанлик.

Бизда СОВЕТ ИТТИФОҚИ даврида бундай модул ўқилганми ?

Мустақил Ўзбекистонда ушбу йўналишда дастлаб қандай модул ўқилган ?

Ундан кейин бакалавр ва магистрларга ўқилган модулнинг номи ?

Конструкцияларни ҳисоблашда детерминистик ёндошувнинг тавсифи ?

Конструкцияларни ҳисоблашда эҳтимолий ёндошувнинг тавсифи ?

Конструкцияларни ҳисоблашда қайси ёндошув асос бўлади (детерминистик ёки эҳтимолий) ?

Бугунги кунда европада қабул қилинган “EVROCOD” тизими нимани назарда тутади?

Республикамизда “EVROCOD” тизимига ўтиш қанчалик ўринли ?

Кейс №2: Бино ва иншоотларни эксплуатациясида емирилиш назарияси ҳақида

I. Педагогик аннотация.

Модул номи: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”.

Мавзу: Бино ва иншоотларни эксплуатациясида емирилиш назарияси ҳақида

Берилган case study мақсади: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурӯхчалар ташкил қиласиди, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуклари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистондаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак:

Бино ва иншоотларни эксплуатациясида емирилиш назарияси ҳақида бошланғич маълумотлар ҳақида.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чақаради, маълумотларни таққослади, танқидий хулоса чиқаради, таҳлил қиласи ва умумлаштиради.

Case study-нинг обьекти: Бино ва иншоотларнинг емирилиши-эскириш назарияси.

Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:

“Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модули бўйича адабиётлар.

Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Муаммолар: Бино ва иншоотларнинг емирилиш турлари. Жисмоний емирилиш. Унинг келиб чиқиши бўйича турлари. қайта тикланадиган ва тикланмайдиган жисмоний емирилиш? Жисмоний емирилиш даражасини аниқлаш аҳамияти ?

Табиий ва механик тарзда емирилиш. Уларнинг ўзаро фарқлари.

Конструкцияларнинг емирилишга моил қисмлари бўладими?

Конструкцияларнинг емирилишига сабаб бўлувчи ҳудудий омиллар.

Базавий емирилиш нима, бундай емирилиш қайта тикланадими?

Конструкцияларнинг емирилишига ҳудудий омилларнинг таъсирини ўрганиш ?

Ҳудудий омилларнинг классификацияси ?

Конструкцияларнинг емирилиши маълум бир қонуниятга буйсунадими?

Емирилиш графигини тушунтириш орқали унинг эскириш табиатини ўрганиш ?

Сизнингча бино ва иншоотларнинг барвақт ишдан чиқишига қўпроқ қандай омиллар таъсир қиласи?

Емирилиш интенсивлиги нима, у қандай қонуниятга буйсунади?

Бино ва иншоотларнинг қолдиқ хизмат муддатини прогноз қилиш мумкинми ?

Кейс №3: Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш ҳақида

I. Педагогик аннотация.

Модул номи: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”.

Мавзу: Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш ҳақида

Берилган case study мақсади: “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари”га умумий тавсиф беради, Тингловчиларга баҳо бериш мезонлари тушунтирилади, гурухчалар ташкил қиласи, кейс стадининг индивидуал босқичида бажариш учун мавзу берилади. Тингловчиларга кейс дафтарчалари тарқатилади. Мавжуд адабиёт билан таништирилади.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар ушбу мавзуни ўрганиш жараёни орқали “Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модулининг асосий вазифалари, ютуқлари, бошқа модуллар билан боғланиш даражалари, жамиятдаги аҳамияти ҳамда бугунги Ўзбекистондаги тараққиёт даражалари ҳақида тушунчаларга эга бўладилар.

Case study-ни муваффақиятли бажариш учун Тингловчи қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак:

Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш бўйича бошланғич маълумотлар ҳақида.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади, муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантикий холоса чиқаради, маълумотларни таққослайди, танқидий холоса чиқаради, таҳлил қиласи ва умумлаштиради.

Case study-нинг объекти: Бино ва иншоотларнинг техник ҳолати.

Case study-да ишлатилган маълумотлар манбаи:

“Шаҳарсозликда уй-жой фонди эксплуатацияси масалалари” модули бўйича адабиётлар.

Case study-нинг типологик хусусиятларга кўра характеристикаси:

Case study кабинетли тоифага кириб сюжетсиз хисобланади, case study маълумотларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Муаммолар: Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш. Баҳолаш мақсадлари. Конструкциялардаги емирилиш, шикастланиш, дефект, деформация ва бошқа ўзгаришлар. Унинг келиб чиқиши бўйича турлари.

уларни аниқлаш. Техник диагностика. Техник диагностикада бузувчи ва бузмайдиган ус уллардан фойдаланиш.

Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлашнинг аҳамияти ?

Бино конструкцияларидағи ўзгаришларни аниқлаш қандай амалга оширилади ?

Дефектоскопия нима ?

Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини аниқлашнинг замонавий усуллари деганда нималар назарда тутилади ?

Конструкцияларнинг емирилишга моил қисмлари бўладими ?

Конструкцияларнинг емирилишига сабаб бўлувчи ҳудудий омиллар.

Базавий емирилиш нима, бундай емирилиш қандай аниқланади ?

Конструкцияларнинг емирилишига ҳудудий омилларнинг таъсирини ўрганиш ?

Лойиҳавий ҳисоблаш схемасининг ҳақиқий схемадан фарқи нимада ?

Конструкцияларнинг емирилиши маълум бир қонуниятга буйсунадими?

Сизнингча бино ва иншоотлар конструкцияларининг муддатидан олдин ишдан чиқишига кўпроқ қандай омиллар таъсир қиласи ?

Емирилиш жадаллиги нима, у қандайдир қонуниятга буйсунадими ?

Бино ва иншоотларнинг умрбоқийлигини прогноз қилиш мумкинми ?

VI. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Авария ҳолати	Alarm status	Аварийное состояние	Объект конструкцияларини бузилиш даражаси, уларнинг юк кўтара олмаслиги мумкинлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳолати.
Адгезия	Adhesion	Адгезия	Иккита таркибли жисмнинг молекуляр даражада бир бирига ёпишиши.
Бино (иншоот)ларнинг ишончлилиги	The reliability of buildings (structures)	Надежность зданий (сооружений)	Объект ўзининг асосий характеристикаларини белгиланган чегарада ва маълум бир шарт-шароитда берилган функцияларни бажариш қобилиятининг мажмуйи таркиби
Бино (иншоот)ларнинг умроқийлиги	The durability of buildings (structures)	Долговечность зданий (сооружений)	Объектларнинг маълум эксплуатация жараёнида, белгиланган муддатга мос равишда хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ўтказишда ишга яроқли ҳолатини сақлаб туриши.
Бино паспорти	Passport buildings	Паспорт зданий	Бино (иншоот)нинг бутун хизмат даврида техник ва техник- иқтисодий маълумотларини, уни техник ҳолатини бутун хизмат даври давомида сақлаш ва таъмирлаш ишларини олиб боришни ҳисобга олиб борадиган хужжат.
Бино (иншоот)ни инвентарлаштириш	Inventory of buildings (structures)	Инвентаризация зданий (сооружений)	Объектларни даврий равишда техник ҳолатини амалда текшириш ва конструкциянинг мустаҳкамлигини аниқлаб, ҳисобга олиш.
Бино (иншоот)ни	Certification of	Паспортизация	Биноларнинг техник ва техник-

паспортлаштириш	buildings (structures)	зданий (сооружений)	иктисодий маълумотларини ва уларни техник холатини баҳолаш ва ҳисобга олиш бўйича бажариладиган ишлар.
Бино ва иншоотларнинг кафолатли муддати	The warranty period buildings	Гарантийный срок зданий и сооружений	Бу шундай муддатки, унда бош пудратчи ўзи томонидан қилинган барча камчилик ва дефектларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши лозим. Бу муддат 2 йил бўлиб, муддат янги бинони ёки капитал таъмирланган бино ёки иншоотни фойдаланишга топширган кундан бошлаб ҳисобланади.
Бино (иншоот)нинг деформацияси	Deformation of the buildings (structures)	Деформации зданий (сооружений)	Бино ёки иншоотнинг юклар ва таъсирлар натижасида шакл ва ўлчамларининг ўзгариши ҳамда устиворлигининг йўқотиши (чўкиш, силжиш, оғиш ва х.к.).
Бино (иншоот) каркаси	Frame buildings (structures)	Каркас зданий (сооружений)	Бино ёки иншоотнинг ташки юк ва таъсирларни қабул қилувчи ҳамда уларнинг мустаҳкамлиги ва бикирлигини таъминловчи асосий юк кўтарувчи вертикал ва горизонтал стерженлардан иборат тизим.
Бино (иншоот)нинг устиворлиги	The stability of buildings (structures)	Устойчивость зданий (сооружений)	Бино (иншоот)нинг дастлабки статик ёки динамик мувозанати холатидан чиқарувчи кучларга қарши турла олиши қобилияти.
Брандмауэр	Firewall	Брандмауэр	глухая противопожарная стена здания, выполняемая из несгораемых материалов и предназначенная для воспрепятствования распространению огня на соседние помещения или на соседние здания.
Дефект	Defect	Дефект	Конструкцияни тайёрлаш, транспортировка қилиш ва монтаж босқичида ҳамда эксплуатация жараённада маълум бир параметрларга,

			меъёрий ёки лойиха талабларига мос келмайдиган нуқсон.
Бикрлик	Rigidity	Жесткость	Конструкциянинг деформацияланишга қаршилик кўрсата олишини белгиловчи кўрсатгич.
Диагностиканинг мақсади	The purpose of the diagnosis	Цель диагностики	Бино ва инишоотларнинг техник ҳолатини баҳолаш усул ва воситаларини ишлаб чиқишдан иборат
Замин	Grounds	Основания	Бино ва инишоот пойдеворлари орқали тушаётган юклар таъсирида деформацияланувчи грунт.
Зилзилабардошлиқ	Seismic resistance	Сейсмостойкость	Бино (инишоот)нинг одамларни, қурилиш конструкцияларини ва қимматбаҳо жиҳозларни хавфсизлигини таъминлаган ҳолда маълум бир ҳисобий куч доирасида зилзила таъсирига қарши турла олиш қобилияти.
Замин деформацияси	Deformation of foundations	Деформация оснований	Бино (инишоот)нинг заминга берадиган таъсиридан пайдо бўладиган ёки эксплуатация мобайнида грунтнинг физик хоссаларининг ўзгариши эвазига пайдо бўладиган деформация.
Замин устиворлиги	Stability bases	Устойчивость оснований	Замин ёки инишоотга қўйилган кучни сўнмайдиган кўчишлар ҳосил қиласдан турла олиш қобилияти.
Соз ҳолат	Working condition	Исправное состояние	Объектнинг барча меъёрий-техник ва конструкторлик ҳужжатларидаги талабларга мос келадиган ҳолати.
Ишга яроқли ҳолат	Usable state	Работоспособное состояние	Объектнинг берилган функцияларини бажариш жараёнида қайд қилинган барча параметрларининг қиймати меъёрий-техник ҳужжатларда

			талаф килинадиган қийматига мос келадиган ҳолати
Чекланган ишга яроқли ҳолат	Limited usable state	Ограниченнное работоспособное состояние	Объект конструкциялар ҳолатини, технологик жараён кўрсаткичларини ёки бошқа эксплуатация шартларини назорат қилишда маҳсус (эксплуатациянинг рухсат берилган шароитларида) тадбирлар бажаришни талаф қиласидиган ҳолати.
Ишга яроқсиз ҳолат	Nonoperable condition	Неработоспособное состояние	Берилган функцияларни бажариш чоғида объектнинг иш қобилиятини характерловчи ҳеч бўлмагандан битта параметр қийматининг меъёрий- техник ва (ёки) конструкторлик ҳужжатларининг белгиланган қийматига мос келмайдиган ҳолати.
Кадастр	Cadastre	Кадастр	Бу тегишли объект бўйича мунтазам ёки даврий равища йифилган маълумотлар тўплами.
Кучлар	Of force	Силы	Ташқи юк ва таъсирлар остида конструкциянинг кўндаланг кесим юзаларида пайдо бўладиган ички кучлар (бўйлама ва кўндаланг кучлар, эгувчи ва буровчи моментлар).
Кучайтириш	Gain	Усиления	Конструкциянинг кўндаланг кесими ёки унинг ишлаш схемасини ўзгартириш билан унинг мустаҳкамлиги ёки бикирлигини ошириш.
Конструкциянинг техник ҳолатини баҳолаш	Evaluation of technical state of constructions	Оценка технического состояния конструкций	баҳолаш кузатув-текширув натижалари бўйича олиб борилиб, улар қўйидагилардан иборат: конструкцияни аниқланган дефект ва шикастланишлар, материалнинг ҳақиқий таркиби бўйича, ҳақиқий ва кутиладиган юклар, таъсирлар ва эксплуатация

			шароитларидан келиб чиқкан ҳолда текширув ҳисоботи ҳамда техник хулоса тузиш.
Конструкцияни кузатув-текширув	Survey design	Обследования конструкции	Конструкциянинг техник ҳолати ҳақида унинг юк кўтариши қобилиятини қайта тиклаш, кучайтириш ёки қайта қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун маълумотлар йиғиш бўйича тадқикот ишлари мажмуаси.
Конструкция деформацияси	Deformation structure	Деформация конструкции	Юк ва таъсирлар остида конструкция (ёки унинг қисми) шакл ва ўлчамларининг ўзгариши.
Пластиклик	Plastic	Пластичность	Қаттиқ жисмларнинг ташқи кучлар таъсирида бузилмасдан ўз шакл ва ўлчамларини ўзгартириши, шу билан бирга кучлар таъсири олингандан сўнг қолдик (пластик) деформациянинг сақлаши.
Рұксат этилмаган четланиш	Unacceptable deviations	Недопустимая отклонения	Конструкциянинг нормал ишлашига ҳалақит берувчи меъёрий ҳолатдан четланиш ёки ҳисобий схемага шундай ўзгартириш киритадики, бу ўзгаришни ҳисобга олиш учун конструкцияни кучайтириш талаб қилинади.
Саноат корхонасининг ҳавфсизлиги	Security industry	Безопасность промышленных предприятий	Даврий кузатув ва текширув ишларини олиб бориш билан қурилиш конструкциясининг авария ҳолати мумкинлигини башорат қилишни таъминловчи тадбирлар тизими.
Саноат биноси	Manufacture building	Производственное здание	Юк кўтарувчи ва бошқа конструкциядан иборат, ишлаб-чиқариш жараёнини жойлаштириш учун мўлжалланган ёпиқ фазо ҳосил қилувчи ва одамлар меҳнат қилиши ҳамда технологик ускуналарнинг ишлаши учун

			зарурий шароитлар билан таъминланган бино.
Саноат обьекти	Manufacturing premises	Производственный объект	Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган корхона, цех, махсус иш жойи ва бошка бўлинмалар.
Таъсирлар	Impact	Влияния	Конструкция элементларидаги ички кучларни ўзгаришига олиб келувчи омиллар (заминнинг нотекис чўкишидан, тоғли худудларда ер сиртининг деформацияланиши, хароратнамлик ўзгариши таъсиридан, конструкция ашёсининг ҳажмий торайишидан, зилзила, портлаш ва ҳ.к.).
Техник диагностика	Technical diagnostics	Технические диагностики	Конструкциянинг ишдан чиқиши ва шикастланиши сабабларини аниqlаш ва баҳолаш усусларини ишлаб чиқувчи соҳа.
Техник ҳолатни назорати	Control of technical condition	Контроль техническое состояние	Эксплуатация мобайнида конструкцияни ишлаш қобилиятини сақлаб туриши учун унинг техник ҳолатини назорат қилиш тизими.
Иншоот	structure	Сооружение	Ҳажмий, текис, юк кўтарувчи ва бошка конструкциялардан иборат бўлган, турли хилдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш ва ҳ.к. учун мўлжалланган ер устидаги ёки остидаги қурилиш тизими.
Ишончлилик	Reliability	Надежность	Бино ёки иншоотнинг ҳамда уларнинг юк кўтарувчи конструкцияларининг ўз вазифаларини эксплуатация мобайнида бажара олиши имконияти.
Маънавий емирилиш	Obsolescence	Моральный износ	Бино (иншоот)ларнинг баҳолаш пайтидаги меъёрларнинг, меморий-

			конструктив, санитар-гигиеник ва технологик талабларига жавоб берса олмаслиги.
Мұртлик	Fragility	Хрупкость	Қаттық жисмнинг механик тәсірлар остида сезиларлы пластик деформация (пластиклікка қарама-қарши хусусият) ларсиз бузилиши хусусияти.
Мұртлашиш	Softening	размягчение	Металлнинг эскириши, ҳароратнинг тушиб кетиши ёки юкланиш ҳолатининг тезлашиши ҳисобига конструкцияда мұртлик даражасининг ортиши.
Мустаҳкамлық чегараси	Strength limit	Предель прочности	Бу материалнинг механик хусусияти бўлиб, у бузилиш ҳолатини келтириб чиқарувчи юқ даражасига мос келувчи шартли кучланишни ифодалайди.
Материалнинг чарчаши	Fatigue material	Усталость материала	Узок муддатли юклар тәсірида, вақт бўйича даврий ўзгарувчи кучланиш ва деформациялар остида материалнинг механик ва физик хоссаларининг ўзариши.
Металлнинг эскириши	Seasoning	Старение металла	Нормал шароитда (табий эскириш) ёки юқори ҳарорат тәсірида (сунъий эскириш) унинг мустаҳкамлигининг ўзариши ва бир вақтнинг ўзида пластик ва зарбий ёпишқоқлигининг камайиши билан боғлиқ металл таркибининг ўзариш ҳолати.
Курилиш конструкцияси	Building construction	Строительная конструкция	Бино ёки иншоотнинг юқ күтариш, чегараловчи ёки аралаш (юқ күтариш ва чегаралаш) вазифаларини бажарувчи қисми.
Четланиш (огиш)	Deviations	Отклонения	Исталған техник

			кўрсаткичининг ҳақиқий ҳолатини меъёрий, лойиха хужжатлари ёки техник жараённи таъминлаш бўйича қуилган талаблардан фарқ қилиш ҳолати.
Узоқ муддат таъсир қилувчи меъёрлардан четланиш	The deviation from The long-acting regulations	Отклонение от длительно действующих нормативов	Мавжуд бино ва иншоотларда учрайдиган, эски меъёрий талаблар асосида лойихаланган, таъмирлаш жараёнида тўғрилаб бўлмайдиган четланиш. Янги ишлаб чиқилган меъёрий талаблар бундай бино ва иншоотларга тадбиқ этилмайди, агарда уларнинг кейинги эксплуатацияси янги маълумотлар талабларига мос равишда фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқармаса.
Шикастланиш	Damage	Повреждение	Конструкцияларнинг эксплуатация мобайнида юзага келадиган сифати, шакли ва ҳақиқий ўлчамларининг меъёрий ҳужжатлар ва лойихавий талаблардан четланиши.
Чегаравий ҳолат	Limit state	Предельное состояние	Бино (иншоот)ни юк кўттарувчи элементларининг бундан кейин уларни ўз функцияларини бажариши рухсат этилмайдиган ёки мақсадга мувофиқ эмаслигини белгиловчи ҳолат (унинг соз ёки ишчи ҳолатини қайта тиклаш имконияти йўқ ёки мақсадга мувофиқ эмас).
Чегараловчи конструкция	Walling	Ограждающая конструкция	Бино ёки иншоотнинг ички ҳажмини мустаҳкамлик, иссиқликдан, намлиқдан, пардан, ҳаво ва шовқин ўтказиш ва ҳ.к. меъёрий талабларидан келиб чиқкан ҳолда, ташқи муҳитдан ёки ўзаро ҳимоялаш учун мўлжалланган қурилиш

			конструкцияси.
Хизмат муддати	Life time	Срок службы	Бино (иншоот)нинг ҳар хил ташқи омиллар таъсири остида эксплуатация қилишга ярамай қолган ҳолати ёки унинг соз ёки ишчи ҳолатининг қайта тиклаш эса иқтисодий жиҳатдан мақсадгага мувофиқ бўлмай қолган ҳолатга келгунча ўтадиган даврий вақт.
Қаттиқлиқ	Hardness	Твердость	Маҳаллий кучлар таъсирида материал сиртқи қатлами ning пластик деформацияга ёки мўртлик бузилишига қаршилик кўрсата олиш ҳолати.
Эксплуатацион-техник ҳужжатлар (ЭТХ)	Operational and Technical Documents	Эксплуатационно-технический документы	Бино ва иншоотлар эксплуатацияси бўйича назорат хизмати фойдаланадиган (айрим ҳолларда ишлаб чиқадиган) бошқарув ва ишчи ҳужжатлар мажмуаси.
Юк кўтарувчи конструкция	Basic structure	Несущая конструкция	Бино ёки иншоотнинг юк ва таъсиirlарни қабул қилувчи, мустаҳкамлигини, бикирлигини ва устиворлигини таъминловчи қурилиш конструкцияси.
Юк	Load	Нагрузка	У куч билан ўлчаниб, унинг йўналиши ва катталиги таъсирида бино ёки иншоотнинг конструкцияларини ва заминни кучланиш-деформацияланиш ҳолатларини ўзгартирувчи механик таъсир.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой” Кодекси. Тошкент, 2020.
2. Milan Holický, Vladislava Návarová, Roman Gottfried, Michal Kronika. Basics for assessment of existing structures. Jana Marková, Miroslav Sýkora, Karel Jung. Klokner Institute, Czech Technical University in Prague Šolínova 7, 166 08 Prague 6, Czech Republic, 2013.
3. Schadensmechanismen. Institut fur Werkstoffe des Bauwesens. Fakultat fur Bauingenieur- und Vermessungswesen. Univ.-Prof. Dr.-Ing. K.-Ch. Thienel, Herbstsemester, 2010.
4. Francis D.K. Ching “Building Construction Illustrated 5th Edition” USA, 2014.
5. Directive 2010/31/EU of the European Parliament and of the Council of 19 May 2010 on the energy performance of buildings.
6. Ahmad Husaunnde, Jean Christophe Visier, Energy performance certification, status in December 2006, <http://www.buildingsplatform.eu>
7. Закон Республики Узбекистан от 25.04.1997 г., № 412-І «О рациональном использовании энергии».
8. ГОСТ 31937-2011. Здания и сооружения. Правила обследования и мониторинга технического состояния. Межгосударственная научно-техническая комиссия по стандартизации, техническому нормированию и оценке соответствия в строительстве (МНТКС). Москва-2012.
9. Постановление Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2015 г. № ПП-2343 «О программе мер по сокращению энергоемкости, внедрения энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сферы на 2015-2019 годы».
10. Кўп хонадонли уй-жой фондларининг техник ҳолатлари бўйича ўтказилган хатлов натижалари, ушбу жараёнда аниқланган камчилик, муаммо ва қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда уларнинг бартараф этиш юзасидан “Уйжойфондинспекцияси” томонидан кўрилган чоралар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузуридаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси маълумоти. Тошкент, 2019 й, апрель.
11. Рекомендации по конструктивному обследованию и прогнозу технического состояния существующих зданий и сооружений. ГК РУз по Архитектуре и строительству, Ташкент, 2000 г.
12. Руководство по обследованию и оценке технического состояния железобетонных конструкций зданий и сооружений. ТАСИ, ИМиСС им. М.Т. Уразбаева АН РУз, Ташкент, 2004 г.
13. Методика определения физического и функционального износа зданий (сооружений). ГККИНП-18-037-00. Главное управление геодезии, картографии государственного кадастра при кабинете министров Республики Узбекистан.: Ташкент, 2000г.
14. Сборник. Книга №1 «Многоквартирные жилые здание в городах и городских поселках Республики Узбекистан», ГККИНП-18-076-03.
15. ҚМҚ 2.01.15-97. Туар-жой биноларида кузатув-текширув ишларини олиб бориш Йўрикномаси;
16. ҚМҚ 2.01.16-97. Туар-жой биноларининг жисмоний эскиришини аниқлаш қоидалари;

17. ҚМК 1.03.03-97. Туарар-жой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотларни капитал таъмирлашга лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, келишиш ва тасдиқлаш Йўриқномаси;
18. ҚМК 1.04.02-97. Туарар-жой биноларини капитал таъмирлаш;
19. ҚМК 1.04.03-98. Туарар-жой бинолари, коммунал ва ижтимоий-маданий аҳамиятдаги обьектларда реконструкция, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш бўйича Низом;
20. КМК 2.01.04-97* Строительная теплотехника/Госархитектстрой РУз. - Ташкент.-AQATM.-2011.-98 с.
21. КМК 2.01.18-2000* Нормы расхода энергии на отопление, вентиляцию и кондиционирование зданий и сооружений. /Госархитектстрой. -Ташкент.-AQATM.-2011.
22. Пособие по проектированию новых энергосберегающих решений по строительной теплотехнике (к КМК 2.01.04-97*) / ОАО «ToshuyjoyLITI»-Ташкент: ИВЦ AQATM Госархитектстроя, 2012.-70с.
23. Низомов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. Тошкент, ТАҚИ, 2012. 324 б.
24. Шукуров И.С., Хотамов А.Т. Шаҳар ҳудудини инженерлик тайёрлаш. Дарслик. Москва-Тошкент (Москва давлат қурилиш университети ва Тошкент архитектура қурилиш институти ҳамкорлигига), Иктсиод-Молия, Тошкент, 2018 й. 264 б.
25. Ходжаев А.А., Хотамов А.Т., Юсупходжаев С.А., Тўлаганов Б.А. Конструкцияларни шикастланиш сабаблари ва бузилиш оқибатларини аниқлаш. Ўқув қулланма. ТАҚИ, 2014.

Интернет ресурслари:

1. www.lex.uz.
2. www.stroy.press.ru.
3. www.line-red.spb.ru.
4. www.bizbook.ru/detail.html.
5. <http://thedifference.ru/chem-otlichaetsya-modernizaciya-ot-rekonstrukcii>